



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2016-yil 30-sentyabr №40 (4387)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёшларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги фидойилиги ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

Мамашарипова Дилором Мухаммадиевна — Оқдарё туманидаги 45-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Фозилова Раъно Тўлагановна — Чиноз туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Бозоров Абдуқамол Каримович — Балиқчи туманидаги 12-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Генжемуратова Гулсара Оралбаевна — Қораўзақ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Алимов Абдихамид Каримович — Деҳқонобод туманидаги 89-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ахадов Комилжон Яхияевич — Дўстлик туманидаги 18-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Жураева Раҳима Бустановна — Мингбулоқ туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Кулматовна Гулжаҳон Абдурахмоновна — Музработ туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Мирзаева Назира Усмановна — Фарғона политехника институти қошидаги Ёрмозор академик лицейининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Сайидова Насиба Саидуллоевна — Қизилтепа енгил саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Тошпулатова Матлуба Абдуганиевна — Боёв туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Хажиев Қувандик Садуллоевич — Урганч автомобил ва йўллар касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Халимова Нурзода Олимовна — Вобкент қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Шамирзаев Абдували Ташпулатович — Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

Юртимизда таълим тизимини ривожлантириш, ўқув жараёнига илгор педагогик технологияларни жорий этиш, чуқур билим ва касб-хунарга эга малакали кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги катта ҳизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Ержанова Багдаул Аралбаевна — Мўйноқ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Қурбонов Абдулҳафиз Юсупович — Шахрихон автомобиль йўллари қурилиши касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Назарова Фатима Шариповна — Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 2-академик лицейининг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахманова Озода Дехканбоевна — Куйи Чирчиқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Балтаев Юсупбай Сапарбаевич — Гурлан туманидаги 40-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Бекмирзаева Дилбар Каршибоевна — Жиззах тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Бозоров Абдихамид Эргашевич — Навбаҳор туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Қиличова Дилором Хайдаровна — Жондор туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Мамаджанова Одина Ахмаджановна — Избоскан туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Нурмухамедова Барно Рашидовна — Шайхонтоҳур туманидаги 132-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Давоми иккинчи саҳифада.

1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кунин



Муаллим меҳнати, устоз заҳмати. Дунёдаги бирор бир касб, бирор бир машаққатни устозларнинг фидойилигига қийслаш қийин. Суратда: Тошкент шаҳридаги 142-ихтисослашган умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Жамила Расулова ўз ўқувчилари билан. Жонқуяр мураббий «Ўзбекистон мустақиллиги 25 йил» эсдалик нишони билан тақдирланган.

Анвар САМАТЎЖАЕВ олган сурат.

МАЪРИФАТ ЧАРОҒБОНЛАРИ

Биринчи Президентимиз томонидан 2005 йили қабул қилинган халқ таълими ходимлари меҳнати ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисидаги қарор, ҳар йили 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кунин умумхалқ байрами сифатида нишонланиши, «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» каби унвонлар билан мустақиллик байрами арафасида устозу мураббийларимизнинг тақдирланиши — буларнинг барчаси ўқитувчилар меҳнати эъзоз топаётганининг ёрқин намунасидир.

Байрамларимиз кўп. Касбларни улуғлайдиган кунларимиз кўп. Аммо шуларнинг ичида энг улуғи, энг қадрланадигани бу 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кунин. Айнан шу кунни ҳамма устозига, муаллимига дилининг қат-қатидаги сўзларини айтмоққа чоғланади.

Кунлар кунга, ойлар ойга уланиб вақт шиддат билан ўтиб боради. Кечатгина мактабга қўқибгина қадам қўйган болаю қизалоқлар кўз очиб юмгунча вояга етиб эл хизматига шайланади. Ўғил-қизлар, шоғирдлар заҳмат чекиб, ранжу машаққат ила таълим-тарбия бераётган, биргина «Устозинга раҳмат» деган рағбатдан кўнгли осмон қадар юксаладиган муаллимлари олдидаги қарзини фақатгина ютуқлари, Ватанга бўлган чексиз муҳаббати орқали узишни ўз олдиларига мақсад қиладилар. Икки оғиз илиқ сўз, айниқса ўқувчиси, шоғирди ҳақида айтилган яхши гапдан завок туядиган мураббийларини эзгулик ва маърифат боғининг чароғбони десак янглишмаймиз.

Мактабга биринчи марта борган ўқувчининг илк сабоғи «Она» ва «Ватан» сўзини ёзишдан бошланади. Унга сўзлар қўшилиб кетаверади — «Тинчлик», «Нон», «Бобо», «Гул», «Қўёш». Минглаб қалбларга ана шу тахлит эзгулик уруғи қадалади. Ватанни севиш, ота-онани эъзоз этиш туйғуларини шаклланади. Ўқитувчилик касбининг ўзига хос завқи шунда-да! Ёш авлод қалбида эзгу истаклар уйғотиш ва уларни ҳаёт билан бирга қадам ташлаб, эзгулик бунёд этишга йўналтириш дунёдаги энг савобли иш. Донишмандлар айтганидек, мактаб — ёшлик гулшани, болалар эса унинг бебаҳо ниҳоллари, устоз-ўқитувчи бу боғнинг доно соҳибқори. У эккан ниҳолларнинг ҳосили авлоддан авлодга ўтиб, ундан эл баҳра топади.

Ўқитувчилик касби истиқлол йилларида бениҳоя қадр топти. Бир пайлар тоmidан чакки ўтиб турган, зах босган хоналарда дарс ўтган ўқитувчилар қачонлардир уларнинг меҳнати бугунгидай қадр топиши ҳақида ўйлашга ҳам ботинолмаган.

Устозларимиз, муаллимларимизга кўрсатилётган эътибору ғамхўрлик туйғайли бугун уларнинг боши осмон-

да. Замонавий илм масканлари, спорт иншоотлари, санъат даргоҳларида устозу мураббийларимиз ёш авлодга ифтихор ила таълим-тарбия бермоқда. Уларнинг самарасини турли халқаро танловлар, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида ёшларимиз эришаётган ютуқларида кўраимиз. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловида ғолиб бўлаётган ўқитувчи ва устозларимиз нафақат мактаблари, балки бутун юртимиз фахрига айлангани бежиз эмас.

Мана, кузнинг биринчи ойи якун топмоқда. Энг табарруқ байрамларимиздан бирини нишонлаш арафасида турибмиз. Шу кунларда устозларимизга, ўқитувчиларимизга, мураббийларимизга дилимизнинг қатидаги энг самимий тилақларимизни айтишимиз ва шу аснода ўтган устозларимизни хотирлаймиз.

Ўтган аждодларимиз ва устозларимизнинг жасорати, илм-фанга бўлган садоқати бугунги авлодларни ҳам буюк кашфиётлар яратишга ундаётгани шубҳасиз. Уларнинг буюк ишларидан фахру ифтихор туйиш, улар хотирасини ёдга олиш каби эзгу амаллар машъаладек йўлларимизни ёритиб туради.

Азиз устозлар, қалби қайноқ, меҳри уммон, муҳтарам ва муҳтарама муаллимлар! Атоқли шоиримиз айтганидек:

Буюк Алишербек дутф этган мисол,
Савод ўргатдингиз қанча ранж билан.
Қошлаб бўлармикан бу қарзни алҳол,
Ўзи бўлармикан юзта танж билан.

Барно СУЛТОНОВА

ҲАР КУН, ҲАР СОАТДА

ВЕБ-САЙТИМИЗ ИШГА ТУШДИ

Дунё ўзгаришда, давру замон ҳар кун, ҳар соатда ўзгариб янгилиниб бормоқда. Шунга яраша одамларнинг онгу тафаккури ҳам янгилиниб, вақт билан баб-баравар жаҳоний кўлам, оламшумул аҳамият касб этиб бормоқда. Жамият ва ҳаёт, давру замон ҳар кун, ҳар соатда олдимизга янги-янги вазифалар қўймоқда. Энг муҳими — тинч-фаровон турмуш, фарзандларимизнинг бахту қамолоти, она Ватанимизнинг раванги йўлидаги эзгу интилишларимиз, умид ва орзуларимиз рўёбини кўриш, шу эзгу мақсадлар йўлида фидойилик билан, дахлдорлик билан ҳаёт кечирин...

Шу сондан эътиборан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг веб-сайти «www.uzas.uz» номи остида иш бошлади.

«Асосий саҳифа», «Ижтимоий ҳаёт», «Назм ва наср», «Танқид ва адабиётшунослик», «Санъат» ҳамда «Жаҳон адабиёти» сингари бўлимлардан иборат веб-сайт фойдаланувчилар учун жуда қулай бўлиб, унга планшет ва андроид тизимида ишловчи мобил алоқа воситалари орқали ҳам кириш мумкин. Бу эса фойдаланувчиларга газетамизни мунтазам кузатиб бориш имконини беради.

Янги дизайндаги афзалликлардан яна бири шуки, саҳифаларнинг ишлаш тизимини соддалаштириш, маълумотларни даврий кетма-кетликда жойлаштириш ҳамда саҳифаларда ички рункларни ташкил этиш имкониятлари мавжуд.

Ўқувчиларимиз газета саҳифаларида чоп этилган энг сара мақолаларни эндиликда веб-сайтимиз орқали ҳам кузатиб бориш имконига эга бўлади. Шунингдек, юртимиз ва жаҳон миқёсида содир бўлаётган адабиёт ва санъат оламидаги янгиликлар ҳам ўрин олган. Жумладан, «Назм ва наср» бўлимида Ўзбек адабиётининг йирик вакиллари-дан тортиб эндигина адабиёт остонасида турган ёш ижод-



корларнинг шеър, ҳикоя, эссе ва бадиаларини мутолаа қилишингиз мумкин. «Жаҳон адабиёти» бўлимидан эса машҳур ёзувчиларнинг асарларидан таржималар, уларнинг ҳаёт йўли, ижоди, адабий сўхатлари, ёш ижодкорларга маслаҳатлари мунтазам равишда бериб борилади.

Шунингдек, «Фотожаҳланма»да устоз адибларимизнинг ноёб суратларидан тортиб, машҳур тасвирий санъат ижодкорлари, рассомлар ва ҳайкалтарошлар яратган сара асарлардан намуналар билан ҳам танишиб борасиз. Ушбу бўлим таркибидagi «Мангу лаҳзалар» руқнида адабиётимизнинг йирик намоёндалари, таниқли устозларимизнинг газетамизда босилган ёшлик ва баркамоллик паллаларида тушган суратлари, умр айёмининг тақдорланмас лаҳзалари ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади.

Кейинчалик веб-сайтимиз архивдан газетамизнинг дастлабки сонларидан бошлаб то шу кунга қадар, айни даврда чоп этилган мақолалар, шеър ва ҳикоялар, шунингдек янги таржималарни ҳам доимий равишда ўқиб боришингиз мумкин.

БИРИНЧИ ФАРМОН

Абадиёт

1991 йилнинг 4 сентябри эди. Ўзбекистон Республикаси мустақил ва суверен давлат деб эълон қилинганга эндигина тўрт кун бўлганди. Ўзбекистон халқи кўтаринчи руҳда яшар, Президент номига чет эл мамлакатлари раҳбарларидан, жамоат арбоблари, оддий одамлардан табрик телеграммалари ёғилиб кела бошлаган эди.

Уша 4 сентябр оқшомида Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Миллий боғида қад кўтарётган Алишер Навоий ҳайкалини, бу боғда олиб борилаётган қурилиш ишларини кўздан кечириди, меъмор, муҳандис ва қурувчилар билан сўхбат ўтказди, Навоийга ўрнатилаётган ҳайкал, келгусида бу боғ сўлим зияратгоҳ бўлиб қолажиги ҳақида сўзлади.

Ҳайкалнинг тантанали очилиш кунини қатъий қилиб белгиланди, боғнинг тўққиз ерига тўққизта дошқўзон ўрнати-

либ, элга наҳор оши тортиладиган бўлди. Маълумки, тўққиз рақами халқимиз удумига кўра буюк ҳурмат белгисидир. Сўхбат охирида шундай тақлиф тушди:

— Наҳор оши тортишдан олдин Қуръон тиловат қилинса...

Бу тақлиф баъзиларга эриш туюлди. Орага бир оз сукут чўмди. Ҳамма Президентнинг жавобини кутарди. — Халқимизда арвоҳ хотира деган азалий удум бор, — деди Юртбошимиз. — Бу удумимизни қайта тиклашга вақт етди. Миллий турмуш тарзимиз шунини тақозо этади. Нимадан, кимдан чўчийсизлар, биродарлар! Энди мустақилмиз. Орқага қайтиш йўқ.

Рост гап шуки, даврадагиларнинг кўпчилиги Президентдан бундай жавобни кутмаганди, шу сабабли баъзилар ажабланиб, айримлар эшитган сўзларига ишонқирамас эдилар...

Давоми иккинчи саҳифада.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-
ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН
БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Отарбаев Азатбай Узакбаевич — Нукус маданият ва санъат коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Парпиев Қодирли Махсудалиевич — Тўрақўрғон саноат ва транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Турапов Бахриддин Ражапович — Яккабоғ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Урунов Ортиқ Уматович — Булунғур маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Хидридова Зулхумор Абдирашидовна — Қумқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Сурхондарё вилояти

Хожикулова Мохирахон Усмоновна — Данғара туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Шерматов Саид Назарович — Ховос транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдумаликов Баҳром Абдуганиевич — Республика олий спорт маҳорати мактабининг оғир атлетика бўйича бош мураббийи, Тошкент шаҳри

Тошхонова Ғўзалхон Воҳобовна — Учкўприк туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Турсунпулатов Аброр Набиевич — Тошкент вилоятидаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Бозорова Нодира Тоғоевна — Кармана туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Бокиев Аскаралӣ Шоматович — Касби қишлоқ ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Боратова Нигорахон Аҳматжановна — Фарғона шаҳридаги 4-болалар мусика ва санъат мактаби директори, Фарғона вилояти

Жўраева Раъно Ўриновна — Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ибрагимова Гулбаҳор Каюмовна — Андижон шаҳридаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Капитанов Юрий Петрович — Бекобод саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент вилояти

Қурбонова Матлуба Хурсанмуродовна — Тайлоқ туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Қучкарова Мухаббат Ишмуратовна — Жиззах шаҳридаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Маматова Матлуба Сотиболдиевна — Чортоқ туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Наметуллаева Нигархан Гўнжебаевна — Кегейли туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Уринбова Лолахон Болибековна — Сардоба туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Халияров Панжи Азамович — Жарқўрғон саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ходжаев Равшан Илханович — Бухоро олимпия захиралари коллежининг бокс бўйича мураббийи, Бухоро вилояти

Худайбергенов Жамшид Исмаилович — Хоразм вилоятидаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг дзюдо бўйича мураббийи, Хоразм вилояти

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуғафурова Хафизахон Юсуповна — Косонсой озик-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш касб-хунар

колежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Абдуллаев Зоҳид Шерматович — Самарқанд ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Абдуразакова Мехриниса Раимбердиевна — Ангрен педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Абдурозаков Саид Муратович — Шахрисабз туманидаги 2-болалар мусика ва санъат мактабининг ўзбек халқ чолғулари синфи ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Аимуратова Гулбаҳар Оринбаевна — 2-Нукус тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Амридинова Мавлюда Шавкатовна — Самарқанд шаҳридаги 9-Мехрибонлик уйи тарбиячиси, Самарқанд вилояти

Ахмаджанова Умидахон Мўминновна — Қўрғонтепа туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Бабаджанова Дилбар Рузметовна — Хива енгил саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Байкулова Манзура Жонзоқовна — Мирзобод туманидаги 3-мактаб-гача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

Ганиев Абдувоҳид Абдувалиевич — Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

Данакулова Фарида Эшимовна — Жомбой туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Дусмуратова Лола Кувановна — Термиз шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Жиянов Хасанбой Эгамкулович — Бекобод шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Жолмурзаева Тазагул Жумахмедовна — Тахтақўприк туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жонзоқова Сайёра Анваровна — Янгиер педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Зарипова Саодат Сунатовна — Каттақўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Иброхимов Фарход Хасанович — Янгиариқ туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Касимова Галия Валиязновна — Мирзо Улўбек туманидаги 2-болалар мусика ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Кенжаев Меликузи Нумонович — Қўқон автотранспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Қиличев Тўлқин Махмурович — Чирчиқ олимпия захиралари коллежининг бокс бўйича бош мураббийи, Тошкент вилояти

Қурбонов Юнус Жураевич — Қарши туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Лутфуллаев Хайрулла Ширинхонович — Жиззах транспорт ва алоқа касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Мендибаев Баҳрам Рустамович — Республика олий спорт маҳорати мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи, Тошкент шаҳри

Мирзаева Азиза Саибжановна — Хўжабод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Мирзаева Гулбаҳор Хамдамовна — Қарши шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи

тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

Муродова Нодира Баходировна — Наманган саноат касб-хунар коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Муродов Ҳалим Салимович — Когон шахридаги 17-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Мухитдинова Сайёра Тўхтаевна — Бухоро политехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Назаров Сарсенбай Пахратдинович — Қонлиқўл қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Намозова Ҳабиба Раҳманкуловна — Узун туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Пахритдинова Нодира Аскарровна — Яшнобод туманидаги 67-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Поянов Зокиржон Зиядуллаевич — Денов туманидаги «Ҳазорбоғ» қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сурхондарё вилояти

Райимов Равшан Исаевич — Хатирчи туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Раунов Илбас Аҳадович — Фиждвон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Садуллаева Гулистон Нуруллаевна — Хонқа туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Саидов Ризокул Ёрикулович — Пешку саноат касб-хунар коллежининг информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Сатторов Махфуза Гаппоровна — Фўрат туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Сафаров Бобомурод Раҳимович — Ғузор нефть-газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Соатова Гулчирий Каримовна — Муборак саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Тўйчибаева Хилолаҳон Эркиновна — Учқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Тўхтабаев Зухриддин Парпиевич — Андижон маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Умиров Ойбек Абдувайитович — Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Урашаева Умит Алламуратовна — Хўжайли агроиктисодиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Хайитов Шерали Исмаилович — Бахмал туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ходжаева Машхура Мирзаабдуллаевна — Наманган туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ходжиматова Хикоятхон Турсуновна — Фарғона шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Фарғона вилояти

Худдиев Комилжон Мухторович — Навоий кончилиқ коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Навоий вилояти

Шарипова Дурдона Миразамовна — Учтепа туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Шоҳўжаев Шоқосим Сидиқович — Оққўрғон агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Якубов Чори Адинаевич — Ангор педагогика коллежининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Бошланиши биринчи саҳифада.

Сухбат давом этди. Энди сўз Тошкентнинг, умуман эса, Ўзбекистоннинг миллий қиёфаси, номуносиб хайкаллар ҳақида, майдон, кўча, ташкилотларнинг номлари ҳусусида борди. Шу сухбат самараси ўлароқ эртаси кун, яъни 1991 йилнинг 5 сентябри оқшомида Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» кўрсатувида Президент Фармонига кўра Тошкентнинг Ленин номи билан аталиб келинган Марказий майдонига Мустақиллик майдони номи берилгани маълум қилинди.

Ушбу Фармон 6 сентябрда матбуотда эълон этилди. Бу ҳужжат Ислон Каримовнинг мустақил ва суверен сифатидаги биринчи Фармони эди, ватансеварлик, ватанпарварлик туйғусининг Олий намунадаги ёрқин ифодаси эди.

Халқимиз ҳам жисмонан, ҳам маънан жар ёқасига яқинлашиб қолган қалтис бир вақтда, ҳаёт-мамонт масаласи ҳал бўлаётган бир пайтда Президентимиз мард ва танги миллатнинг мард ўғлони янглиғ дадил майдонга чиқди — Ўзбекистоннинг давлат



Абадият

сол қилиб келтириш мумкин. Навоий юбилеида Президентимиз сўзлаган нутқда, жумладан, бундай деган эди:

БИРИНЧИ ФАРМОН

мустақиллигини эълон қилди. Шу тариқа юртимизга янги давр, янги замон келди, янги давлат тузилди. Бу ўзбекнинг янги даврони, янги замонаси, янги тузуми, янги давлати, янги сиёсати эди. Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, 1991 йил 31 августдан Ўзбекистон учун янги эра бошланди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинган 31 августдан кейинги кун — 1 сентябр дам олиш кунига тўғри келган эди. Шу ҳолни рўқач қилиб, айрим депутатлар эртаси кун эълон қилинган истиқлолга бағишлаб жойларда йиғилишлар, намойишлар, митинглар ўтказишни таклиф этишди. Бу таклифга Президентнинг жавоби бундай бўлди: менимча, бу борада ҳозирча шошилмаслик керак. Айримларнинг ғашига тегмай турайлик. Вазиятдан келиб чиқиб иш тутаёлик. Худо хоҳласа, келгуси йил Мустақилликнинг 1 йиллигини олдиндан катта тайёргарликлар кўра бориб, кенг нишонлаймиз. Шу соатдан бошлаб бундан кейинги энг муҳим вазифамиз — бугун эълон қилинган мустақиллигимизни омон сақлаб қолиш, уни мустақамлаб боришдан иборат бўлиши керак. Мустақиллиқни эълон қилиш дегани ҳали биз тўла мустақил бўлиб қолдик, дегани эмас, бариқ топқурлар. Аввало, мустақиллиқни амалда тиклаш, яратиш, эътироф эттириш керак. Ҳали олдимизда тарихий курашлар бор. Ана ундан кейин ҳар қанча тантаналар қилсақ ярашади... Узоқни кўзлаб иш тутаёлик, халқимизда байрамдан кейин ҳам кун бор деган доно нақл мавжуд. Ана ўшанга риоя этайлик.

Президентнинг бундай маслаҳати тўғри деб топилди, яқдиллик билан маъқулланди...

Биринчи Фармондан кейин ўтган давр мобайнида яна кўпгина фармонлар қабул қилинди. Бу қонун ва фармонларда халқнинг хоҳиш-иродаси бор бўй-басти билан ўз ифодасини топди.

1996 йилнинг июн ойида матбуотда Юртбошимиз имзо чеккан «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа то-

ТАБАРРУК АНЪАНА

Мамлакатимизда 1 октябрь — Устоз ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаш аънамага айлангани барчамизга яхши маълум.

Бу байрамни нишонлаш фақат таълим муассасалари учунгина урф бўлмай, балки устоз-шогирдлик аъназаларини табарруқ билиб, сақлаб келаётган барча идораю ташкилотлар, маънавияти бой инсонларга ҳосдир. Байрам арафасида шундай тадбир жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри суд маҳкамасида ҳам бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир суд соҳасида узоқ йиллар фаолият юритиб, қанчадан-қанча шогирдларга мураббийлик қилган фахрий судьяларга эҳтиром кўрсатиш

билан бирга адабий-маърифий учрашув тарзида ташкил этилди. Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоирнинг «Армон туйи» дostonи ҳусусидаги адабий тадбир муассасанинг фахрийлари ва ёш ходимлари билан бирга, Устоз — Она, она Ватан, Она тили каби муқаддас тушунчалар билан уйғунликда талқин этилиб, тадбирнинг ижодий учрашув тусини олишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри суди раиси Марат Абдуҷабборов тадбирни бошлар экан, Фахрийлар кенгаши раиси Убайдулла Мингбоевга сўз берди. Соҳадаги устозларга кўрсатилаётган эъзоз учун

пономик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида» деган қарор эълон қилинди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Мамлакатимиз мустақиллигига беш йил тўлаётганига қарамай, ҳамон жойларда толомоник объектларнинг эски тузум ва коммунистик мафкурага хизмат қиладиган, халқимиз тарихи ва миллий аъналарига боғлиқ бўлмаган номлари мавжуд. Булар истиқлол мазмун-моҳиятини тушунмасликдан, миллий мафкура ва миллий гуруҳ сустилигидан, баъзан эса масъулиятсизлик ва бефарқлик иллатлари тўғрисида келиб чиқмоқда. Натижада халқимиз янгича фикрлаш ва яшашга ўрганаётган бир пайтда мустақиллик гоёларидан қалгитмоқда».

Президент ташаббуси билан қабул қилинган фармонларда узоқни кўра билган доно йўлбошчининг серқирра ва қизгин фаолиятини кўриш мумкин. Бунга 1991 йилни Алишер Навоий йили деб эълон қилиш ҳақидаги тарихий ҳужжати ва улуг бобомизнинг 550 йиллик юбилеида сўзлаган ёрқин нутқини миқдор қилиб келтириш мумкин. Навоий юбилеида Президентимиз сўзлаган нутқда, жумладан, бундай деган эди:

«Бу тўй миллат байрамидир. Қадриятимизни яна бир бор улуглайдиган байрамдир.

Бу тўй халқимиз, Ўзбекистонимиз ҳаётига алоҳида файз, тароват бахш этди.

Алишер Навоий йили деб эълон қилинган 1991 йил юртимиз, элимиз тарихида қутлуг келди, унутилмас сана бўлиб қолди.

Бу йил халқимизнинг асрий орзу-умидлари амалга оширилди. Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигини эълон қилди ва ўз тақдирини энди ўзи ҳал қиладиган бўлиб қолди...».

Бу гаплар ёзилганига чорак асрдан ортиқ вақт ўтди. Ундан баъзи асарларимда фойдалангандим. Ниҳоят, шу йилнинг 12 сентябр, душанба кун бўлиб ўтган Қурбон ҳайитида имом хатибларнинг маърузаларида ундан парчалар ўрин олди. Бу деган сўз шуки, Қурбон ҳайити намозида ҳозир бўлган фуқаролар Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислон Абдуганиевич Каримовнинг мамлакатимизда диний бағрикенглик, имон ва виждон эркинлиги йўлидаги фидойиликларини ҳам миннатдорлик ва шукроналик билан ёдга олдилар.

Бутун дунё ахли, тараққиёлпарвар инсоният эътироф этганидек, ҳинд халқининг даҳо фарзанди Махатма Гандининг вафоти Ҳиндистон халқларини бирлаштириб, озолиқ, мустақиллик ва тараққиёт сари даъват қилган. Худди шу сингари, озолиқ юртимизнинг Биринчи Президенти, Буюк Йўлбоши Ислон Каримовнинг номи, ёди, гоёлари ҳам Буюк Шахнинг мангу тимсоли бўлиб турган озолиқ ва оҳам Ватанимиз, кўпмиллатли Ўзбекистон халқини янада бирлаштириб, улугвор ишларга чорлаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,
профессор

Учрашув

ташақкур билдирган У.Мингбоев суд тизимида устоз-шогирдлик аънагани барқарорлигини, бу соҳада ҳам марҳум устозимиздан ибратли кўпгина фаилатлар қолганлигини ёд этди. Сўнгра адабиётшунос Шухрат Ризаев ўзбек адабиётида устозлар ва оналар мавзусидаги асарлар, жумладан, «Армон туйи» dostonи Махмуд Тоир ижодида ўзига хос ҳодиса бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Достон муаллифи Махмуд Тоирнинг чиқиши эса, ижтимоий ҳаёт, адабиёт ҳамда она ҳақидаги достонининг яратилиш тарихига бағишланди. Тадбир мароқли ва қизгин ўтди.

Гулчехра ОМОНТЎРАЕВА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурдаги «Ижод» жамоат фондининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисида

2015 йил Фонд маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобига 6332,0 миллион сўм миқдорда шакллантирилган.

Шу жумладан: Ноширлик ва матбаа корхоналарининг босма маҳсулотларини реализация қилишдан, шунингдек, босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ таҳрир, матбаа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган тушумнинг 1 фоизи миқдоридида ажратмалар 5 904,1 миллион сўмни, «Дўрмон» ижод уйи котижлари ва меҳмонхона хоналарини ижарага беришдан олинадиган даромадлар 209,8 миллион сўмни, поликлиника томонидан пуллик хизмат кўрсатишдан тушган тушум 45,2 миллион сўмни, ёрдамчи ҳўжаликлдан тушган тушум 73,1 миллион сўмни, Фонднинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлари 99,8 миллион сўмни, поликлника томонидан пуллик хизмат кўрсатишдан тушган тушум 45,2 миллион сўмни, ёрдамчи ҳўжаликлдан тушган тушум 73,1 миллион сўмни, Фонднинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлари 99,8 миллион сўмни, поликлника томонидан пуллик хизмат кўрсатишдан тушган тушум 45,2 миллион сўмни, ёрдамчи ҳўжаликлдан тушган тушум 73,1 миллион сўмни, Фонднинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлари 99,8 миллион сўмни, поликлника томонидан пуллик хизмат кўрсатишдан тушган тушум 45,2 миллион сўмни, ёрдамчи ҳўжаликлдан тушган тушум 73,1 миллион сўмни, Фонднинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлари 99,8 миллион сўмни, поликлника томонидан пуллик хизмат кўрсатишдан тушган тушум 45,2 миллион сўмни, ёрдамчи ҳўжаликлдан тушган тушум 73,1 миллион сўмни, Фонднинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлари 99,



Хеч эсимдан чиқмайди. Йигирма йиллар аввал пойтахтда ишлардим. Бир гал уйга келишимда Андижонда поезддан тушиб, таксига ўтирдим. У пайтларда бизнинг Гуркуровга ўхшаган чекка қишлоқларга автобус қатнамас, енгил машина эса аконинг уруғи эди. Вилоят раҳбарларнинг ташрифи кутилаётган бўлиб, маҳалла фаоллари, ўқитувчилар кўчанинг икки четидаги ажриқ, ўтларни юлиб, тозалашаётган экан. Ўтирган жойларида елкалари оша таксига қизиқиб қараётганлар орасида бошлангич синфда мени ўқитган муаллим ҳам бор эди. Менга кўзи тушдию дарҳол ўгирилиб олди. Салом беришга ҳам улгуролмадим. Ўшанда дабдурустдан ўқитувчимизнинг нега бундай қилганини яхши англамадим. Балки муаллимдан беоқибат ўқувчидан бир бор йўқлаб қўймагани учун ранжигандир.

ЎН САККИЗ МИНГ ДАРС

Тошкентга қайтган, «Устозларимга» деган шеър ёздим. У «Ўқитувчилар газетаси»да босилди. Аммо барибир бу ишимдан ҳам кўнглим тўлмади. Университетни битиргандан анча кейин маълум муддат мактабда ишлагач, ўқитувчи-мураббийларнинг заҳмати, ташвишларини янада яхшироқ ҳис этган, уларнинг нақадар хайрли ва серзаҳмат касб эгалари эканига амин бўлган эдим.

Аслида, муаллимлар тўғрисида жуда кўп ёзилган, айtilган. Бундан кейин ҳам ёзилаверади, айtilаверади. Ёзилиши, айtilиши ҳам зарур, шарт. Ахир ҳамма устозлар сарфлаган ботмон-ботмон меҳнатнинг, яхшиликнинг, мурувватнинг лоақал бир миққолини қайси бир йўлда қайтариш пайида бўлиши ҳам лозим эмасми?

Ўқитувчи ўз ўғил-қизларига таълим, эътибор беришга етарли вақт ажрата олмаслиги мумкин, илло бошқаларнинг унга топширилган фарзанди олдидаги бурчини унутишга ҳаққи йўқлигини жуда яхши атайди. Ахир, ўқитувчи хат-савод ўргатмаса, илмга, фанга қизиқиш, орзу-мақсад уйғотмаса, ўқувчидаги истеъдод куртакларини баҳор офтобидай қулоғидан чўзиб катта ҳаётий жараёнларга йўллама, ихтиролар, кашфиётлар қаердан туғиларди? Умр ўлчатгич — вақт кадрини билдирувчи соат, хонадонларни нурафшон қилувчи электр-чирок, кўзларга, дилларга завқ берувчи телевизор, қанча-қанча бебаҳо фурсатларнинг тежалишини таъминлаган шарикли ручка, узққни яқин қилувчи учқур поезд,

самолётлар, мобил телефонлар ва мўъжизавий қулайликларни ўзида мужассам этган компьютер қандай яратиларди?

Болага сабоқ бериш, унинг онгу шуурига илму фан иштиёқини сингдириш эса ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Бунинг учун ўқитувчи ҳам аввал муаллим-устозлардан сабоқ олиб, мактабда, коллежда, институтда ўқиши, яъни камида 15 йил ўша илм даргоҳларига қатнаши, ҳаяжон ва ҳадикларда имтиҳон топшириши, диплом ҳимоя қилиши, яна бошқа қанча доволардан, синовлардан ўтиши керак.

Бир пайтлар кечки мактабнинг юқори синфларига тарих ва адабиётдан бор-йўғи бир ўқув йили дарс берганман. «Мабодо биронта ўқувчи мен билмайдиган нарсани сўраб қолса нима қиламан?», деган савол шууридан ҳеч кетмас, дарслик, қўлланмаларни қайта-қайта ўқишга, кўпроқ китоб варақлашга ҳаракат қилардим. Дарс мобайнида ҳам боғи савол миямда айланиб турар, танаффусга кўнғироқ чалинса, енгил нафас олардим. Тўғри, ҳамма нарсани билишнинг илоҳи йўқ, лекин ўқувчига шундай деб айтолмайсиз-ку. Агар бирорта саволга қониқарли жавоб беролмасангиз, ўша сониядан ўқувчи олдида обрў-эътиборингиз пасая бошлайди. Имоним комилки, мендаги хавотир бошқа ҳар қандай ўқитувчининг ҳам мудом ташвишга, таҳликага солиб туради — неча йил ишласа, неча соат дарс ўтса, шунча йил, шунча соат... Бир соат дарс ўтиш учун қанча режа-дастур тузишнинг,

қанча китоб-дарслик ўқишнинг, қанча дафтар текширишнинг ҳисоби ҳам етиш қийин. Давомат муаммоси эса доимий бош оғриғи...

Ўқитувчи синфдаги ҳар бир ўқувчининг билими, интизомидан ташқари хатти-ҳаракати учун ҳам масъул. Ўзлаштиролмаётганларга алоҳида вақт ажратиши, уларнинг уйлари-га бориб, ота-оналари билан суҳбатлашиши зарур бўлади. Дакки, танбех ҳам эшитилади. «Болага уйда биз, мактабда сиз жавобгар-сиз» дейдиганлар бор. Яна, феъл-атвори мураккаб болалар билан «тил» топишиш, уларни йўлга солиш... Яна қанча жамоат ишлари унга мунтазир: мавзе, маҳалла келтиришга ҳужжат, маълумотларни тартибга келтиришга қўмаклашиш, сайлов жараёнларида фаол иштирок этиш.

Агар қишлоқда бўлса, фуқаролар йиғини ходимлари билан маҳалла айланиш: одамлар-

нинг яшаш тарзларини ўрганиш, томорқаларидаги мевадари дарахлар, полиз, сабзавот экинларини ҳисобга олиш, эмаганларни даъват этиш, тарғиб қилиш, ёрдам кўрсатиш; «Ҳа, деган тугага мадад», дегандай, кузда дам олиш кунлари ҳашарда, шунингдек, шанбаликларда иштирок этиш...

Агар ўқитувчи аёл киши бўлса (ҳозир уларнинг тўқсон, балки ундан ҳам ортиқ фоизи хотин-қизлар эканлиги ҳеч кимга сир эмас) уйда овқат пишириш, кир ювиш, дазмол бошиш, ховли супуриш (балки сигир ҳам соғар, қув қилар), эри, болаларини нонушта қилдириб, кийинтириб боғчага, мактабга жўнатиш, маҳалла-кўй, қариндош-уруғдаги тўй-маросим ва бошқа издиҳомларга дастурхон-сават тайёрлаб бориш ва бошқа оилавий юмушлар ҳам унинг зиммасида. Бир бошга шунча ташвиш, шунча масъулият!..

Бир ўқитувчи, айтилиқ, ҳафтасига 16 соат дарс ўтади. Бу бир ойда 64 соат, бир ўқув йилида 500 соат...

Агар ўқитувчи ўртача 35 йил ишласа, демак, ўқувчиларга ўн саккиз минг соат дарс ўтади. Бир йилда тахминан учта синфга кирса, 80-100 та — 35 йилда 35 мингта ўқувчига билим, сабоқ беради. Биронта ота ё онанинг ўз фарзандига бир-икки соат қаноат билан, астойдил таълим-тарбия, сабоқ берганини кўрганимиз? Тасаввур қила

Адиб ва жамият

оласизми?

Бирок ўқитувчи зиммасига юкланадиган вазифаларни асло оғир олмайди, зорланмайди, ҳаммасини табиий, ҳаётий зарурат деб ҳисоблайди. Фақат, танаффус пайтида биронта ўқувчининг тасодифан йиқилиб ё қоқилиб тушиб бирон жойи шилинган, боринги, лат егани учун дакки-танбех эшитса, малол кел-



тириб қўйиш учун уни туртиб юборди. Алпомиш ҳам ёш бўлса-да, қаратэ тўғарагига қатнайди. У Шимолий Америка харитаси устида чалқанча ётганча акасини тепди. Бир вақтнинг ўзида бир-бирига ташландилар. Ичкарида қий-чув бошланганини эшитиб, онаси югуриб кир-

Шарофат АШУРОВА

АЛПОМИШ ВА ЖУТРОДИЯ

ди ва елкаларидан ушлаганча болаларини икки томонга ажратди.

— Қаердан ҳам боболаринг исмларингни Пахлавон, Алпомиш деб қўйган-а! Бу уй эмас, тўполончилар хонаси, бас қилинлар!

Болалар шунча тўполон қилаётган бўлсалар-да, оёқларини харитадаги қуруқликка қўйиб туришарди. Аммо онаси эътибор ҳам қил-

масдан океан устидан босиб турганини кўрган болалар баробарига:

— Сув, океан! — дея қичқириб юборишди.

Салима опа эса донг қотиб қолди. У аввал харитага сув тўкиб юбордим, деб ўйлаган бўлса, болаларининг нигоҳларидан океан устида турганини билиб, оёғини қаерга қўйишни билмай харитадан ташқарига сакради.

— Вой тавба-ей, юрагимни чиқариб юборди-я!

Ҳикоя



Шомурод ака география ўқитувчиси, унинг тўрт фарзанди бор. Қизларининг бири ўн, иккинчиси саккиз ёшда. Ўғиллари эса олти ва тўрт ёшда — боғча тарбияланувчилари.

Фарзандлари учун барча шароитни яратиб қўйган. Хотирани мустаҳкамлаш учун қизлари билан дунё шаҳарларини тез топиш ўйинларини ўйнайди. Хона юзини қоплайдиган каттакон жаҳон харитасини ёзиб олиб, қизлари Ҳафиза ва Лобар бир тараф, дадаси бир тараф бўлишади. Дадаси бу сафар нигоҳи билан Америка қитъасини таллади:

— Энди сенинг навбатинг, — деди Ҳафизага, — Мехико шаҳрини бир дақиқада топ!

— Аллақачон топганман, Америка қитъасида, — деди шаҳарни кўрсатар экан. Пахлавон харитадаги каттагина жой Америка эканига амин бўлди. Чунки дадаси ўғилларига қитъаларни шунчаки эрмак учун таёқча айлантириб кўрсатганди. Демак, Мехико деган шаҳар Америкада экан, дея эслаб қолди.

— Яхши, қизлар гуруҳи баҳо олди. Энди менга навбат, аммо сувни босманг, ахир улар чексиз уммонлар эканини биласиз-а.

— Биламиз, мана шу қўм-қўк жойлар сув, оёғимиз билан боссак, кир қиламиз, — деди Лобар ҳар сафар эслатаверманг дегандай.

— Қўқиб ҳам кетамиз, мана кемалар кўп чўқадиган гирдоб, — гапни давом эттирди Ҳафиза опасининг киноясини яхши тушунмай.

— Гапга чалғима, менга саволингни бер, — деди дадаси шартга кўра орқасига ўгирилиб.

— Ла-Рас шаҳрини топинг, дадажон, вақт

кетди, — деди Лобар тополмасин дегандай нигоҳини Европага қадаб. Шомурод ака қизлари талаб қилган шаҳарни гўё излаётгандек жаҳон харитасининг у бошидан бу бошига кўз югуртирарди. Қизлар эса дадаси ўқитувчи бўла туриб, улар айтган шаҳарни топа олмаётганидан ҳузур қилиб қулишарди. Пахлавон ва Алпомиш эса ўқишни билиш қандай яхши-я, мактабга борганимдан сўнг, албатта, мен ҳам дадамни мот қиладиган саволлар бераман деган орзу билан уларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб турарди.

— Ҳа, топгандайман, Америка қитъасида, Боливиянинг пойтахти-ку, — деди ва Жанубий Америка қитъасидаги давлатни кийнамай кўрсатди.

Улар анча вақт шаҳар, дарё, давлатларни топишда давом этишди. Қизларини Салима опа уй юмушлари учун қўмакка чақирди. Шомурод ака дам олиш кунини ҳам худди мактабдагидай ишлаб, қизларининг билими ошаётганидан мамнун бўлиб, хонасига кирди. Ҳали қизларнинг сабоғи тугамагани боис харита жойида қолди. Пахлавон ва Алпомиш учун шу нарсакерак эди. Ўқишни билмасалар ҳам нималарнидир топишга ҳаракат қилишди:

— Ака, мен ҳам харитадан топишни биламан, — деди ниманидир билишини намоиш этмоқчидай.

— Нимани топишни биласан? — деди хаританинг қуруқлик кўрсатилган жойига сакраб ўтганча.

— Американи! — деди гурур билан, — Мана бу ер Америка, дадам айтганлар, — деди Шимолий Американи кўрсатиб.

— Мен ҳарф танийман, сен эса ҳеч нарсани билмайсан, Американи қаердан ҳам билардинг. Билиб қўй, мана сенга Америка, — дея Жанубий Американи кўрсатди.

— Нега мени ёлғончи деяпсиз, керак бўлса, мана бу жой Америка, — деб гапира туриб олди Алпомиш.

Пахлавон эса укасининг ақлини жойига кел-

То жаҳон тургунча борсан,
пойдоримсан, Ватан.


Бир тараф тоғ, бир тараф боғ,
бир тараф сайхон эрур,
Бир тараф гулзор чаман,
гул лолазоримсан, Ватан.

Дейдилар, юртдир ягона,
ўзга эл юрт бўлмағай,
Мирза, бор овоз-ла ҳайқир:
Биру боримсан, Ватан!

АЗИЗ ТУТ

Она юртингни азиз тут,
еру тупроғини ўп,
Мисли аскар, мисли посбон
сен-да, байроғини ўп.
Тоққа чиқ, ўрмонда кез
ҳар неки бор айла тавоф,
Кўзга сурт ҳар майсанин,
ҳар битта япроғини ўп.

Мирза ҚАЙНАРОВ



ТО ЖАҲОН ТУРГУНЧА

Номус-оримсан Ватан,
оназоримсан, Ватан,
Дилда боримсан Ватан,
мангу баҳоримсан, Ватан.

Ота-она, ёр-дўст,
фарзандларимдан ҳам зиёд,

Баҳодир ЎРИНОВ



ТОПИШМОҚ

Менинг битта синглим бор,
Қадам босмас у зинҳор.
Чиройлидир, тили «йўқ»,
Сочи сариқ, кўзи қўқ.

Исми унинг Гулойим,
Боқинлари мулойим.
Овқат берсам емайди,
Чақирсам ҳеч келмайди.

Ипин тортсам «инга» дер,
Аммо қулмас негадир.
Кун буйи ўйнайман,
Қўлимдан ҳеч қўймайман.

Дилимга солар севинч,
Қўлимдадир эрта-кеч.
Олсам тўлар қучоғим,
Бу — менинг қўйроғим.

НАБИРАГИНАМ

Қўйлақларинг бурмали,
Бурмали ҳам тугмали,
Қовоқларинг сурмали,
Менинг набирагинам.

Қора сочинг жамалак,
Қўзларингда камалак,
Ўзинг ҳам жажжи малак,
Менинг набирагинам.

Юзинг ширмон бунчалар,
Ясадинг нон-қулчалар,
Кўтардинг тугунчалар,
Менинг набирагинам.

Тўшалур нур йўлингда,
Бахт-иқболнинг қўлингда,
Эрка қизим бўлгин-да,
Менинг набирагинам!

Ш.АШУРОВА 1953 йилда туғилган. 1977 йили Қариш давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факултетини тугатган. «Илоҳий тун», «Бир қашта қисмати» номли қиссалар, «Чиннигул», «Қудуқ», «Қишлоқдаги баланд иморат» сингари ҳикоялар тўпламлари чоп этилган.

Қамчибек КЕНЖА,
«Меҳнат шухрати» ордени соҳиби

Жаҳон адабиётининг йирик намоёнаси, Нобел мукофоти совриндори (1958), "Алвидо, қурол!", "Чол ва денгиз" сингари ўлмас асарлар муаллифи Эрнест Хемингуэй (1899 — 1961)нинг ҳаёт йўли, қизгин иходий фаолияти ҳозирги кунга қадар ёш иходкорларнинг бир неча авлоди учун эскирмайдиган улкан тажриба ва ибрат мактаби бўлиб келмоқда. "Ёзувчи киши, — деганди улуғ адиб, — инсониятнинг гўзал ва дорилломон келажаги учун наинки ўз бадий асарлари, балки ихтимой масул шахс сифатидаги эзгу ишлари ва амаллари, қизгин фуқаролик позицияси билан ҳам фаол иштирок этиши керак."

Улуғ ёзувчидан бебаҳо адабий мерос ёдгорлик қолди. Унинг энг катта романдан тортиб қисса ва ҳикояларигача, эсдаликлар ё сафарнома дейсизми, оддий репортаж ё газета хабаригача — буюк адибнинг беором қалби, уйғоқ ва безовта виждонидан далолат беради.

Азиз ўқувчиларимиз ҳукмига ҳавола этилаётган "Ёзувчилик машаққати" — адибнинг Америка-нинг Айдахо штати маъмурий маркази ҳисобланмиш Хейли шаҳри ёшлари билан бўлган жонли суҳбатидир. Мазкур суҳбатнинг тўлиқ матни 1960 йилда — ёзувчининг фожиали ўлиmidан бир йил олдин "Зис уик" газетасида чоп этилган.



Савол: — Жаноб Хемингуэй, Сиз қандай қилиб ёзишни бошлагансиз?

Жавоб: — Мен ҳамиша ёзишга ҳаракат қилганман. Бу ишни мактаб газетасида майда хабарлардан бошлаганман. Менинг биринчи мустақил ишим ҳам журналистика билан боғлиқ эди. Ўрта мактабни битирганимдан кейин Канзас-Ситига бориб, "Стар" газетасига ходим бўлиб ишга кирдим. Бу оддий мухбирлик иши эди. Ким кимни отиб ўлдирди? Ким ва айнан қаерда ўғирлик қилдию нимани ўмарди? Қачон? Қаерда? Қандай ҳолатда? Бу воқеаларни келтириб чиқарган сабаблар нимада — булар ҳақда биз ҳеч қачон ҳеч нима ёзмаганимиз.

Савол: — "Бонг кимни йўқлайди" романингиз ҳақида сўрамоқчи эдим.

қиш ҳосил қилдим — бу билан ишинг бўлмайди. Кейинроқ ўқувчи учун, айнан китобхонни ўйлаб ёза бошлаганимдан сўнгга ёзувчилик иши нақадар оғирлигини, унинг бор меҳнату машаққатини астойдил англаб етасан. Алал охир, қорозга тушган ҳар бир нарсангдан қалб ва хотирингда бу асарни ёзиш нақадар оғир кечганини эслатиб турувчи биргина ҳорғин туйғу қолади.

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

Савол: — Энди ёзишни бошлаган ёшлик чоғларингизда танқиддан қўрққанмисиз?

Жавоб: — Қўрқадиган жойим йўқ эди. Аввалига мен ўз ёзганларимдан сариқ чақа ҳам фойда қўрмаганман. Бор-йўғи эплаганимча, қўлимдан кел-

бири ҳам шу ерда дунёга келди. Романни айна куз палласи Вайоминг штатининг Бигхорн шаҳрида ниҳоясига етказдим. Унинг биринчи нусхасини қорозга туширишга саккиз ой вақтинг кетди, яна беш ойни қайтадан қўриб, тахир қилиб янгитдан қўчиришга сарфладим. Ҳаммаси бўлиб ўн уч ой деганда сўнгги нуктани қўйдим.

Савол: — Ёзган нарсангиздан ҳафсалангиз пир бўлиб, бошлаган асарингизу ёзув-чизуving бахридан кечган пайтларингиз ҳам бўлганми?

Жавоб: — Баъзи-баъзида шундай бўлган. Қилаётган ишимдан кўнглим тўлмас-да, лекин ҳеч қачон ёзув-чизуving тўхтатмаганман. Тўхтатган тақдирда ҳам, қочиб қаёққа ҳам борардим! Эхтимол, ишдан қочиш мумкин-

дир, бироқ ундан ҳеч қаерга беркинб-яшириниб бўлмайди.

Савол: — Сиз ўз қаҳрамонларингизни ночор, иложсиз ҳолатларга ҳам дучор қиласизми?

Жавоб: — Иложи борича шундан қочишга ҳаракат қиламан, акс ҳолда ўзим ноилож аҳволда қолишим мумкин.

Савол: — Африка ҳақида кўп ҳикоялар ёзгансиз. Нима учун Сиз бу минтақани бунча яхши кўрасиз?

Жавоб: — Дунёда шундай мамлакатлар борки севмаслик, яхши кўрмаслик асло мумкин эмас. Баъзиларига эса умуман тоқат қилолмайсан. Африка менга жуда ёқадди. Бу ерда, Айдахо штатида Африка билан Испанияни ёдга солувчи фаройиб жойлар бор. Шунинг учун ҳам бу манзилу маконларда жуда қўп баск қавмлари мўқим ўрнашиб олган.

Савол: — Мугтолаа ҳақида ҳам гапириб берсангиз. Сиз кўп китоб ўқийсизми?

Жавоб: — Ҳа, ўқийман. Мен ҳамиша, ҳамма вақт минимидир мугтолаа қиламан. Иходий иш кунидан кейин ёзганларим ҳақида умуман ўйлагим келмайди. Шундай пайтларда китоб ўқишга шўнғиб кетаман.

Савол: — Ёзилажак асарларингизга қаҳрамон қилиб олмақ учун ўзингиз тўқнаш келган одамларни кузатиб ўрганасизми?

Жавоб: — Айнан шу мақсад учунгина одамларни махсус излаб, ўрганишга ҳаракат қилмайдим. Қоида бўйича, ҳаёт мени қаерга ташласа, тақдир қаерни раво кўрса — мен ўша ерда ҳозир нозир бўламан. Шундай ишлар борки, ўзинг астойдил шуни истаб хоҳлаганинг учун бажарасан, шунақа юмушлар ҳам бўладикки, зарур-қераклиги учунгина бажармоғингга тўғри келади. Иккала ҳолатда ҳам ҳаёт сени турфа одамларга дуч келтирди. Бу инсонлар кейин сенинг қаҳрамонларингга айланади.

Савол: — Китобларингиз асосида суратга олинган филмлар ҳақида ҳам фикрингизни билмоқчи эдик...

Жавоб: — Ҳамиша бўлганидай, бу филмлар кишининг кўнглини айнатadиган даражада ёмон. Голливудда яратилган, менга маъқул келган яққою

ягона филм деб "Қотиллар"ни кўрсатишим мумкин. Суратга олиш жараёнида ўзим бошида турганим "Чол ва денгиз"ни мустасно қилиб айтганда, қолганларини охиригача кўришга тоқатим етмади.

Савол: — "Алвидо, қурол!"ни ёзишга Сизга нима сабабчи бўлди, қандай фикр туртки берди?

Жавоб: — Италияга бориб қолганимда мен ҳали ёш бола эдим, айнан ўша паллада тасира-тусур уруш, ҳарбу зарблар бошланиб кетди. Мен бунинг барча даҳшатларини ўз кўзим билан кўрганман.

Савол: — Кинога ҳам бориб тура-сизми?

Жавоб: — Ҳа, мен жуда кўп киноларни томоша қилганман. Кейинги йилда чиққанларидан "Квай дарёси кўприги" билан "Дунё бўйлаб 80 кун" филмлари менга жуда ҳам маъқул бўлди. "Дунё бўйлаб..." филмининг воқеалари аввал бошда секин ва зерикари равиоқланса-да, томоша жараёнида бу киноасарнинг кишини ҳайратга соладиган энг муҳим жиҳатини юрак-юракдан ҳис қила бошлайсан. Ёрни томоша давомида бора-бора филм гўзал орзуга айланиб қолиши билан кишини маҳлиё этади. Бундай гўзал, бетакор таассуротларни фақатгина яхши филмлар уйғотиши мумкин.

Савол: — "Алвидо, қурол!" филминингизми?

Жавоб: — Охиригисиними?

Савол: — Ҳа, ўша, Рок Хадсон ўйнаган кейинги филмни-да.

Жавоб: — Йўқ, кўрмадим. Аммо менга айтишларича, киночилар романнинг тоза расвосини чиқаришибди.

Савол: — Муаллиф сифатида Сиз уларга романни экранлаштириш ҳуқуқи бўйича розилик берганингизми?

Жавоб: — Мендан бу филм бўйича ҳеч ким розилик ҳам, ижозат ҳам сўраган эмас. Қолаверса, бунинг учун мен ҳеч қанақа қалам ҳақи ҳам олган эмасман.

Савол: — Китоб ёзиб бўлингандан кейин Сиз уни қайта бошдан яна бир қарра ўқиб чиқасизми ё йўқми?

Жавоб: — Худди шундай. Мисол учун, бугун мен тўрт бобни такроран ўқиб, қайтадан ёзиб-қўчириб қилдим. Бошда худди қизгин баҳсу тортишувда бўлгани каби бир жазава билан ёзиб ташлаёсан-да, кейин ўзингизни босиб, тинчланиб олганингдан сўнг эса бир бошдан керакли тахрир-ўзгаришларни киритиб борасан.

Савол: — Иход жараёнида, Сиз одатда қанча вақтни иш устида ўтказасиз?

Жавоб: — Олти соатдан кўп эмас. Шунча муддатдан кейин жуда ҳам толиқиб қоласан ва табиийки, ёмон ёза бошлайсан. Мен бир китобни ёзишга киришганимда, яқшанбадан ташқари, ҳар кун муттасил ишининг маромини бузмасликка ҳаракат қиламан. Яқшанба кунини ҳеч нарсга ёзмайман. Яқшанба кунини ёзганларим, яхши бир нима чиқараман деб уринганларим, барибир, фойда бермайди. Шу боисдан яқшанба кунлари ёзмай қўя қоламан.

1960

Русчадан таржима.

ҲАЁТ ҲИҚМАТЛАРИ



Ардоқли оқсоқол адиб, санъат ар-боби, драматург Олимжон Холдорнинг "Бешиччи фасл" номи янги китоби-га сара фазаллари, қўшиқ, муҳаммас, ҳиқмат, туюқ, тўртлик, рубоий, эртак ва дostonлар, шунингдек, аввал эълон қилинган, муҳлислар эътиборини қозонган шеърлар қиртилган. Ватан, муҳаббат, меҳр-оқибат мавзуларида битилган асарлар китобхон фикр-онини бойитлади.

Адибнинг ҳиқматлари — дурдона байтлари ҳаётини тажрибалар меваси бўлиб, ўқувчини оғоҳлик, дунёнинг ишлари ҳақида мушоҳада юритишга ундайди, янги фикр, ўзига хос туйғулар бахш этади.

"Олимжон Холдор улуғ ёшта етганда ҳам асога эмас, қаламга суяниб, уни маҳкам тутиб, адабий жанрнинг барча турларида яхши асарлар яратмоқда. Ихлос ва эътиқоди мустаҳкам адиб", деб ёзади Ўзбекистон халқ шоири Тулган Низом Олимжон Холдор ҳақида унинг янги китоби — "Ёзилмаган ҳикоялар" тўплами муқаддимасида.

Ғафур Ғулom, Комил Яшин, Озод Шарафидинов, Туроб Тўла, Ҳамид Ғулom каби атоқли адиблар ҳақидаги хотиралар ва уларнинг Олимжон Холдор ижоди борасида билдирган фикр-мулоҳазалари ўқувчига адиб ижоди ҳақида кенг тасав-вур беради.

"Машҳур-пресс" нашриётида чоп этилган ушбу китобларга истиснодди шоир Усмон Кўчқор муҳаррирлик қилган.

Янги нашрлар



Ёзилмаган
ҲИКОЯЛАР

СЎЗЛАР БИЛАН СЎЗЛАШУВ

Газетамизнинг илгариги йиллардаги қатор сонларида "Сўздан сўзнинг фарқи бор" руқни остида тилимиздаги айрим сўзларнинг этимологияси, асл маъно ва моҳияти, қосмолдаги шакли ҳақида маълумотлар бериб берилган эди. Газетхонларнинг талабига қўра ушбу мавзунини янги — "Сўзлар билан сўзлашув" руқни билан давом эттирмоқчи лозим топдик. Келинг, тилимизнинг бой имкониятларидан биргаликда баҳраманд бўлайлик.

"ҚОЗОНДИ" ФЕЪЛИДАГИ "ҚОЗОН" ҲАҚИДА

"Ғалаба қозонди", "эътибор қозонди", "муваффақият қозонди" каби бирик-маларни тез-тез ишлатамиз. "Қозонди" феъли ёлғиз ўзи келса, ҳеч бир маъно англатмайди. Қолаверса, эътиборга эришми маъносини ифодалайдиган "эътибор қозонди" бирикмасида "қозон" нима қилиб юрибди, деб ўйлаб қоласиз.

Қошғарий девонидида "қазганч" деган сўзга изоҳ бериб ўтилган. Изоҳга қўра, "қазганч" сўзи "ишлаб топиш", "қасб" маъноларини англатар экан. Дарҳақиқат, ғалаба қозониш ҳам, ҳурмат қозониш ҳам ишлаб топиш — меҳнат орқали амалга ошади. Ўтган асрда яшаб ўтган тилшунос олим Е.В.Севортян бунга қўшимча сифатида "қазан" ва "қазган" сўзларини "эгаллаш" ва "забт этиш" маъносидида изоҳлаб, бу сўзнинг илдизи ғамлаб қўйиш (запасать) ва мол-мулк маъноларига яқинлигини ҳам таъкидлаб ўтади.

"ОЛЧОҚ" СЎЗИНИНГ ИККИ МАЪНОСИ

"АЛЧАҚ"(ОЛЧОҚ). Бугунги кунда салбий маънода ишлатиладиган бу сўзнинг ўтмишдаги туб маъноси, Қошғарий девонидидаги изоҳга қўра, "юмшоқ табиатли", "ювош", "заиф", "нозик" маъноларини билдирган. Балки кўрқоқлик, ожизлик, мумсиклик каби иллатлар бу сўзнинг салбий тус олишига сабаб бўлганлар. Чунки заифлик бор жойда бу каби иллатлар ҳам бўлади. Ёхуд заиф эркакларга нисбатан "олчоқ" сўзини ишлатишган бўлишлари ҳам мумкин. Чунки қадимги туркийлар эркак кишининг "юмшоқ табиатли", "ювош", "заиф", "нозик" бўлишини сира ёқтиришмаган. Лекин тарихда бу сўзнинг ижобий маънода қўлланган ўринлари ҳам жуда кўп. Аниқроғи, қадимги адабиётларимизда алчаклик юксак фазилат сифатида улуғланган ўринлар ҳам бор. Нега бундай? Нимага битта сўз икки кутбда ҳам қўрилиш бeryпти? Ёки улар бор-йўғи шунчаки шаклдош сўзларми? Қолаверса, "алчақ" рус тилидаги очкўзлик маъносидидаги "алчность" сўзи-ча ҳам шаклан яқин.

Айни шу ўринда бошқа бир вариант юзага қалқиб чиқади. Қадимги туркий тилда "алчы" деган сўз "хийлакор", "маккор", "айёр" деган маъноларни билдирган. "Девону луготит-турк"да "ал" сўзи хийла, фирби, тадбир, маъноларини англатиши айтиб ўтилган. Тилшунос олимлар Е.В.Севортян, Б.Р.Будагов луғатларида "ал" шу маънода келади. Демак, "алдамоқ" феълининг туб илди-зи айни шу "ал" сўзига бориб тақалади. Биз билган салбий маънодаги "алчақ" ("олчоқ") сўзи хийла ва фирби маъносидидаги "ал" сўзидан келиб чиққан.

"ҒАЛАДОН"ДАГИ ҒАЛЛА

ҒАЛАДОН. Биз одатда стол, жавон каби жиҳозларнинг нарса солиб қўйиладиган тортмасини "ғаладон" деб атаймиз. Баъзан пул ёки майда буюмлар сақлаш учун хизмат қиладиган қутичани ҳам шу сўз билан ифодалаймиз.

"Ғаладон" сўзнинг туб илди-зи аслида "ғалла идиши", "дон сақланадиган жой" деган маъноларни англатган ("Ўзбек тилининг изоҳли луғати").

Кизиг-а, столингизнинг ғаладонини икки юз марта тортиб кўрганда, ҳеч бўлмаса, бир мартагина нима учун унинг "ғаладон" деб аталиши ҳақида ўйлаб қўрганмисиз? Ўйлаб қўриш керак-да. Шунда жилла курси, бу сўзнинг "ғалла" ва "дон"га яқинлигини сезиб қолардингиз ва ажабланардингиз.

ҚОВУҚ, ҚОВОҚ, ҚОВУН...

"Қовуқ" ва "қовоқ" сўзларида ўхшашлик бор. Бу сўзларнинг бири одам танаси аззоси маъносини билдирса, бири полиз экини "ошқовоқ" маъно-сини билдиради. Қарангки, улар мазмун томондан бир-биридан узоқ, лекин товушлар уйғунлиги жиҳатдан деярли бир хил. Аммо туб маъно сари бори-лса, бу уйғунлик бекорга эмаслиги маълум бўлади. Яъни "қовуқ" сўзи Қошга-рий изоҳига қўра, "ичи бўш нарсаси" деган маънони англатади. Ҳолбуки, қовоқ ҳам ичи бўш нарсаси. "Қовоқ қалла" деган ибора ҳам шундан келиб чиққан. Тилимиздаги "қовак" сўзи ҳам ичи бўш нарсасга нисбатан қўлланади. Э.Се-вортян "қовуқ" сўзининг ўзаги "қов" — "қовак", "ичи бўш" мазмунини англа-тишини таъкидлаган. Баъзи олимлар "қовик" сўзини ҳам шу илди-зга олиб бориб боғлайдилар. Балки "қовун" сўзи ҳам бу сўзлар билан қариндош бўли-ши мумкин. Чунки қовуннинг ҳам ўртаси бўш бўлади. Лекин тилшунос Г.Рам-стед "қовун" сўзи мўгул тилидаги "гаун" сўзидан деб изоҳлайди. "Туркий тиллар этимологик луғати"да баъзи туркий тилларда тарвуз ва қовоқ ҳам "қовун" деб аталиши айтиб ўтилган.

"РАНГИ ҚУВ ҲАҚИДА..."

Бир қарашда бу ибора бизга ҳар жиҳатдан тушунарлидай ва уни изоҳлаб ўтиришга ҳоҳат йўқдай туюлади. Бироқ бу иборидаги "қув" сўзи қандай маъ-нони англатади? Бизга "қув" сўзининг "айёр" деган маъноси маълум. Лекин бу иборида "қув" "айёр" маъносидида келса, асло мантиққа тўғри бўлмайди. Яъни "ранги айёр ўқди" дейиш мантиқсизлик бўлади. Маълумки, халқ ибора-ларида сўзлар қаттиқ микхланади.

"Туркий тиллар этимологик луғати"да "қув" сўзи "оқ-сарик" деган маъно-ни англатиши таъкидланган. Бошқа манбалардаги изоҳларда ҳам бу сўз шу маънога яқин шаклда шарҳланган. Қумиқлар ва қирғизлар тилида "қув" — "оқ" деган, хакас тилида эса, "рангсиз" деган мазмунни билдиради. Шунингдек, "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да оққушининг ҳам "қув" деб аталиши кўрсатиб ўтилган. Тилимизда "Қув қув билан ўчади, ғоз ғоз билан қўчади" деган мақол бор. Бу ҳам "қув" сўзининг оқ рангини ифодалашини далиллайди.

Эшқобил ШУКУР

Журналларни варақлаганда

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

2016 йил, август сони

Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Ёрдин ҳижрон чекар уш-шоки зор, эй дўстлар..." мисраси билан бошланадиган маш-ҳур ғазалининг Д.Юсупова томонидан берилган шарҳи, ушбу ғазалининг рус ва инглиз тилига таржималари буюк шоир ижо-диётдан яна бир мазмунли сабоқдир.

1945 йилдан буюн Корея Республикасида 15 август Мустақил-лик куни сифатида нишонланиб келинади. Шу муносабат билан журналнинг ушбу сониди жанубий корейлик таниқли иходкорларнинг турли жанрлардаги асарлари таржималари билан. Корейс мумтоз ва замонавий шеърини намоёндалари Чон Чхоль, Хан Ёнун, Ким Со Вол ва бошқа машҳур шоирларнинг ижод намуналари Д.Жаббор, Ш.Субҳон таржимасида берилган. Замонавий Жанубий Корея адабиётининг атоқли вакилларидан бири Ли Мунёлнинг "Олтин қаноти қўш" қиссаси (тар-жимон Э.Эрназаров), Корея Республикаси адабиёти ва санъати ҳақидаги мақолалар ўқувчига кенг тасаввур, қимматли маълумотлар беради.

"Шеърят минтақалари" руқни остида босилган қозон татар шоирлари ижо-дидан каттагина туркумни асلياتдан Т.Қаҳҳор таржима қилган. Журналнинг ўтган ойларидаги сонларида босила бошланган бир неча мумтоз асарларнинг давомини ҳам август сониди ўқийсиз. Андрей Пампурнинг халқ ривоятлари асосида яратил-ган эпоси — "Лачпелессе — латиш халқ қаҳрамони" достони, Тони Моррисон-нинг "Ўз уйим..." М.Отеро Сильваннинг "Илгалим келса ҳам йилгамайман", Исая Калашниковнинг "Қаттол аср" романлари шу асарлар сирасидан. "Устоз таржимонлар боситидан" руқнида ушбу сонда А.Тожиевнинг "Ўткир таржимон" мақоласи ҳамда таниқли адиб Ўткир Ҳошимов таржима қилган Стефан Цвайг-нинг "Бир юракнинг сўниши" новелласини ўқийсиз.



КАСБГА САДОҚАТ

Таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Талъат Сайфуддинов миллий мусиқа санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келатган фидойи санъаткорлардан бири. Моҳир созанда доира ижрочилигида ўз сўзини айта олган халқимизнинг сеvimли санъаткори Қаҳрамон Дадаевнинг шогирди эканидан фахрланади. Т.Сайфуддинов устози билан биргаликда "Баҳор" рақс ансамблида самарали меҳнат қилди, ўзбек ижрочилиқ санъатини жаҳон миқёсида намойиш этди. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов "Тилак" шеърда шундай ёзган:

Камону найда Абдулҳошиму

Забон доирага берувчи

Абдулаҳад ёндош,
Қаҳрамону Талъат бўлса...
Дарҳақиқат, устоз ва шогирд доирани "тилга киритган" санъатимиз дарғалари ҳисобланади. "Мен Мукаррама опанинг меҳри, устозим Қаҳрамон Дадаевнинг ўғитлари туйғайли доира устаси бўлиб танилдим, — дейди Талъат ака. — Санъатда нимага эришган бўлсам, ҳаммаси учун улардан миннатдорман".

Отаси Сайфиддин ака ва онаси Лубатой ая педагог бўлганлари учун фарзандларининг ҳам шу йўлдан боришини истаган. Лекин ўғлидаги қизиқишнинг ўткинчи эмаслигини тушунган ота Талъатни ўзи Самарқанд мусиқа билим юртига етаклаб олиб борган. Бу ерда у доира ижрочилиги асосларини кунт билан ўрганган. Айниқса, машғулотдан кейин амалий машқларга куч берди ва бу ишни, табиийки, уйда ҳам давом эттирди. Таълим-тарбияда машқларнинг ўрнини илмий жиҳатдан исботлаб берган олмониялик машҳур педагог Иоганн Генрих Песталоцци "Тинимсиз ва изчил машқ қилиш боланинг лаёқатини ўстиради", деган эди. Бу ҳақиқат, айниқса, мусиқа таълимида ўз исботини топгани мутахассисларга яхши маълум. Ёш Талъатнинг машқларга гайришуғрий қиришганини доиранинг ўзига хос хусусияти билан изоҳлаш мумкин. Чунки доира чалгани сари ички бир заъв турткиси одамни яна кўпроқ чалишга ундайверади. Яна бир гап: доира — кўп усулли, кўп овозли ва тадрижий имкониятга эга мусиқа чолғуси, уни ижро қилишда икки қўл ва ўнга бармоқ тенг ишлаши керак. Айнан шунинг учун ҳам тинимсиз машқ зарур.

Жиддий изланишлари самараси ўлароқ

Самарқанд мусиқа билим юртини муваффақиятли тамомлаган Т.Сайфуддинов устоз санъаткор Мукаррама Турғунбоевнинг таклифига биноан Тошкентга келиб, "Баҳор" ансамблига ишга кирди. Бу пайтда у айни юраги гулуриб турган 18 ёшда эди. Шу аснода қизгин ижод ва ҳаёт мактаби бошланиб кетди. Турмуш ташвишларини енгиш, доира ижрочилигида маҳоратини ошириб бориш ва йирик ижодий жамоа бағрига сингиш жараёнини бошдан кечирди. Санъат сирларини янада чуқур ўрганиш, мусиқий билимини кенгайтириш мақсадида ижодий фаолият билан бир қаторда Консерваторияда таҳсил олди. Шу тариқа йигирма саккиз ёшда олий маълумотли, истеъдодли моҳир созанда сифатида элга танилди. "Баҳор" ансамбли билан биргаликда дунёни кезди, жаҳон сахналарида доирани моҳирона чалиб, чет эллик муҳлислар меҳрини қозонди. Япониядаги ижодий сафарини санъаткор шундай эслайди:

— Саҳнада доира черта туриб, японлар куй оҳангига мароқ билан рақс тушаётганлари гувоҳи бўлганман. Концертлардан бирида саҳна олдида турсам, бир япон қизи ёнимга келиб, назокат билан ўзларининг алифбосида ёзилган хат бериб кетди. Тошкентга келгач, хатни япон тили мутахассислари ўқиб беришди. "Сиз ижро этган доира оҳанги менга жуда ёқди. Шу пайтгача бундай мусиқа асбоби борлигидан беҳабар эдим. Шу саз ҳақида билишни истаيمان. Доира чалганингизда назаримда, Сиз ўзингизни бахтиёр сезасиз...", деган жумлалар бор эди унда.

Талъат аканинг ҳаётида бундай воқеалар жуда кўп бўлган. Унинг хотиралари, устозлардан ўрганганлари бир неча китобга арзигulik. Бугун ўзи устоз сифатида кўп хайрли ишларни амалга оширяпти. Зеро, санъаткорнинг бугунги ёшларга ибрат бўладиган хислатлари кўп. Аввало, унинг ўзи ҳамиша устозлар ўғитига амал қилиб келди. Қолаверса, устознинг касбига садоқати, ҳамкасбларига, дўстларига, яқинларига, шогирдларига муносабати кўпларга ўрнак бўла олади. Ёнг асосийси, Талъат ака муносиб оила бошлиғи. Фарзандлари жамиятда ўз ўрнини топиб, эл хизматиға амал қилишга бўлиб турибди. Рафиқаси Гулнора опа набиралар тарбияси билан машғул.

Алишер йўлдошев,
консерватория доценти

Навой республикасининг энг кўркям шахарларидан бири. Шаҳарнинг бугунги жамоли, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик, ободончилик ишлари ташриф буюрган меҳмонларда унутилмас таассурот қолдиради. Янги кўчалар ва маҳаллалар, кўркям кўп қаватли уйлар, шунингдек, ҳудуднинг бетакрор табияти, қадимий обидалари ҳар қандай ижодкорни янги асарлар яратишга руҳлантиради.

Ҳазрат Алишер Навоий "черик чекмай тахти фармонига" олган мулклардан бири, шубҳасиз, Навоий вилоятидир. Бу ерда кўплаб таниқли ижодкорлар истиқомат қилиши бежиз эмас. Қолаверса, бепоён Қизилқум дашти, Нурота тоғлари, Бўкантов, Олтинтов тизмалари, Зарафшон дарёси, ойнадай товланган Айдакўл, Тўдакўл каби кўллар ҳар қандай ижод одамиға илҳом бахш этади. Уфққа боқсангиз, Қизилқум олтиндай товланиб ётибди. Айниқса, оқшом пайти ботаётган қуёш қум барханларининг устига заррин ёлпичгини таштайди. Тоғлардан қўшиб тушган Зарафшон ҳам атрофига зар сочиб ўтади. Буюк бунёдкор, Биринчи Президентимиз Исрол Каримов таъкидлагандай, Қизилқум саҳроси, Навоий вилояти — мамлакатимизнинг олтин сандигидир. Ҳар қадамидан бир мўъжиза, бир хазина, бир ҳикмат топасиз.

Тарихий-ўлкашунослик музейи директори Рамазон Эгамов Навоий вилоятининг ўзига хос мўъжизалари билан фахрланади.

ТОШ ЎРМОН

— Вилоятнинг бетакрор мўъжизаси Жарақудўк тош ўрмонидир, — дея музей билан таништириш бошлади Рамазон ака. — Дара қудўқми, Жилға қудўқми, деб ўйлаб қоласиз. Мутахассисларнинг фикрича, тошўрмон ўрнида бир замонлар лиммо-лим денгиз бўлган экан. Вулқон отилганда унинг қазирдан чиққан лава — олов ва сув таъсирида минераллар қотишмаси ичида қолган дараклар асл ҳолидай тошга айланиб, сақланиб қолган: тут, қарағай, арча... Улар тошдан ҳам оғир, чунки турли минераллар билан тўйинган.

Ҳар кўрганнингизда тош ўрмон сизга янги нарсаларни ҳаё қилади, — дея сўзида давом этади суҳбатдошим. — Баҳор ёмғирлари, қуз шамоллари, эриб оққан қор ёр-юзасидан парда кўтаргандай ранг-юранг манзараларни очиб қўяди. Атроф ювилиб, қуёш нурида ўзгача товланади: турли даракт шохлари, мөва уруғлари, балиқ ва жонивор суяклар, динозавр қолдиқлари. Ҳаммаси ҳам рангин тошларга айланган. Балки бу маржонқоялардир. Яна ким билади дейсиз...

Икки юз гектардан зиёд ҳудуддаги тош ўрмонроқ тасвири билан танишар экансиз, эртақларда тошга айланган дараклар, жониворлар ҳақида ўқиганларингиз ёдга тушади. Аввал кўм-кўк товланиб турган денгиз ўрнида бугун Қизилқум саҳросининг барханлари тўлқиндай чайқалади. Сармишсой дарасидаги қоялар эса кўкка сапчиган тўфонларни ёдга солади. Одамзод яралгандан бунён унинг ҳаётига кириб келган янгиликларнинг тимсоллари

тўфон каби қоялардаги суратларда сақланиб қолган. Қоятошлардаги расмларни Рамазон акадек мантиқли ва равоқ ўқийдиган мутахассислаш учун қадимги битиклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, — дейман Рамазон акага расмларни томоша қиларканман. — IX аср бошларига

лаш учун қадимги битиклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, — дейман Рамазон акага расмларни томоша қиларканман. — IX аср бошларига

АСРЛАРДАН СЎЙЛАБ ҲИКОЯ...

лаш учун қадимги битиклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, — дейман Рамазон акага расмларни томоша қиларканман. — IX аср бошларига

ТИКЛАНГАН ТАРИХ

— Ўтган асрнинг 20-30 йилларига келиб, мустабид шўро салтанати Сармишсой дарасига ҳам тоғ оралаб трактор солди: қанча-қанча табиий, меъморий обидалар вайрон бўлди. Бу ерда яшаётган аҳоли пастликка кўчирилиб, ҳаммаёқ хувилаб, ташландик бўлиб қолди, — деб эслайди Рамазон ака йўл бўйлаб кетарканми. — Ниҳоят, Мустиқиллик шарофати билан тош суратларни ўрганишга бағишланган халқаро анжуманлар, фестиваллар ўтказила бошланди. Дара бағри яна одам билан гавжум бўлди. Унутилган мерос халқимизга қайтарилди ва давлат муҳофазасига олинди. Етмиш йил ҳеч ким эсламаган қоятошлар ҳикоятдан дунё хайрат бармоғини тизлади. Мовароуннахр тарихида Хоразмда Маъмун академияси, Самарқандда Улуғбек яратган академия бўлса, бизнинг Сармишсой — қоятош тасвирий санъат академиясидир. Беш минг гектардан зиёд ҳудудни эгаллаган бу маъзода ўн минг йил аввал чизилган суратларнинг сони ўн мингдан ортади.

Менга қолса, бу суратларни изоҳ-

лаш учун қадимги битиклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, — дейман Рамазон акага расмларни томоша қиларканман. — IX аср бошларига

ЧАМБАРКЎРҒОН

Соёлик деб аталувчи ҳудуддаги қоятошларда биринчи расмлар кўзга ташлана бошлади. Бу ерда VII асрга тааллуқли араб ёзувидаги тошбитиклар ҳам бор. Ўқилмаган тош битиклар. Шунингдек, Чамбаркўрғон деворлари, хонадонлар ва масжид пойдеворининг қолдиқлари сақланиб қолган. Одамлар ва уй хайвонлари чизилган тошларга мос битикларни эслайман:

Бек йигит ўз отлари

томон борибди,

Унинг оқ биёси қулунлабди.

Олтин тўқили

Кулун яроқли бўлди.

— Икки томондан сойлар келиб бирлашган жойлар тоза давоси, ям-яшил майсазорлари билан гўзал, — деб атроф билан таништиради Рамазон ака. — Қуёш нури тушган қунботар томондаги қоядан кўчиб тушган айрим ялтироқ тош парчаларида сув ўтларининг тасвири уқрайди. Миллион йиллар аввал вулкнлар тошга муҳрлаган гивёх суратлари табиатшунослар, қадимшунослар қиладиган ишлар ҳали кўпчилиги аниқланган.

Саидбек Собирбоев иқтидорли, изланувчан ёш қорақалпоқ рассоми. Болалиқдан рассомликка ихлос қўйган Саидбек рангтасвир асосларини Ўзбекистон халқ рассомлари Собир Раҳметов ва Акмал Икромжоновлардан ўрганган. Дастлаб академизм услубидаги рангтасвир сирларини ўрганиб, кейинчалик модернистик оқимларни ҳам ўзлаштира борди. Талабалик йилларида ишлаган кўплаб портрет, манзара ва натюрморт жанридаги асарларида композицион ечим, чизикли перспектива, нур-соялар ўйини каби усуллардан ўзига хос фойдаланишга ҳаракат қилган. Айниқса, деталлаштириш масаласига жиддий эътибор қаратган. Бунга "Атиргул", "Тарвуз билан натюрморт", "Сижаксой", "Она портрети" каби картиналари мисол бўла олади. Ёш рассом 2009 йили ёш ижодкорларнинг "АРТ-ёғду" гуруҳига аъзо бўлиб, "Ватани улуглар навирон авлод" шиори остида ўтказилган кўргазмада қатнашди. Унинг импрессионизм йўналишида ишлаган "Лаҳза" асари томошабинлар эътиборини жалб этди.

Ижодкор табиат кўйида чизишни хуш кўради. "Premier Hall" кинотеатрининг кечки кўриниши, "Тошкентда ёмғир", "Хумсон тошлари", "Миллий богда кеч" каби асарлари айнан шу тарзда дунёга келган. С.Собирбоев 2013 йили "Менинг нигоҳим" номли биринчи кўргазмасини И.В.Савицкий музейида ўтказди. Унинг "Тупроққалъа" асари метафорик мазмунга эга бўлиб, рассом Тупроққалъа тарихий археологик обидасини ёши улуг аёл сиймосида тасвирлаган. Асар марказида ўнг томонга қиб бокчан аёл юзи тасвирланган. Серажин, чуқур ўйга

Рассом ва замон

Яқинда пойтахтимизда Саидбекнинг навбатдаги "Кимдир мен билан" номли кўргазмаси бўлиб ўтди. Намойишга 20 дан зиёд асарлар қўйилган бўлиб, улар асосан авангард услубида ишланган. Ёш рассом ўзи туғилган она диёр манзаралари, Орол муаммосини, қорақалпоқ элининг этно-маданий хусусиятларини намойён этувчи асарлар яратган. "Омирбек Лаққи", "Мўйноқлик бола", "Карвон", "Турон гули", "Севишганлар" каби ишлари бунга мисол бўлади. У тарихга қизиқди, ўтмиш воқеаларини таҳлил қилиб, бугунги кун билан ўхшаш жиҳатларни кидиради. "Карвон" номли кўп қиёфали композициясида кўчманчи халқнинг узок йўл босиб бораётгани тасвирланган. Унда ўтовлар юклалиган туяларни, най, дўмбира чалаётган одамларни, севишганлар ва чорва молларини кўриш

ЁШЛАРГА САБОҚ БЎЛАДИ

Таниқли санъатшунос Аҳмаджон Раҳимов мунаққидлик фаолиятини 1980 йили Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрининг "Муҳаббат ва шамшир" балетига ёзган тақризи билан бошлаган. Шундан буюн республикадаги театр-концерт жамоалари, санъаткорлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, юртимиз санъати ва маданиятига тааллуқли мақола, тақриз, ижодий портрет, суҳбатлар, танқидий мулоҳазалар билан матбуотда мунтазам қатнашиб келади.

Куни-кеча мунаққиднинг янги чоп этилган "Саҳна сирлари мунаққид нигоҳида" номли китоби билан танишиб чикдим. Китоб ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан бугунги кунгача бўлган театр, рақс, мусиқа, қўшиқчилик санъатида рўй берган воқеалар, йирик санъат ва маданият ар-бабларининг қиёфалари, муаллифнинг дунёқараши, фикрларини доирасининг кенглиги билан диққатни тортди. Муаллиф ўзбек санъатининг таниқли намояндлари Ҳалима Носирова, Зикир Муҳаммаджонов, Дилбар Абдурахмонова, Галия Измайлова, Бернора Қориева, Иброҳим Юсупов ва бошқалар ҳақида меҳр билан ёзди. Миллий театримизнинг етук режиссёрлари Баҳодир Йўлдошев, Олимжон Салимов, Рустам Ҳамидов, Наби Абдурахмоновларнинг бошқа мунаққидлар илғамаган қирралари, ижодий кашфиётларини топиб, бу санъаткорларнинг ўзбек санъатидаги ўрнини белгилашга ҳаракат қилди. Китобга сўзбоши ёзган филология фанлари доктори, профессор Ҳафиз Абдусаматов таъкидлаганича, "... Унинг ҳар бир иши, у тақриз ёки танқидий фикр бўладими, қатъи назар, ҳаммаси илмий жиҳатдан асосланган ва чуқур таҳлилга эга."

ЧОРБОҒ АРО САЙРИБОҒ

Рамазон аканинг айтишича, яқин ўтмишда Бухоро амирлари табиат бағрига сайр қилиб, шу жойларга ҳам чиқишган, жойнинг номи шунга ишора. Қачонлардир катта боғ бўлган бу теварақда иккита чинор қолган, холос. Бу ҳам бўлса, мингйиллик чинорнинг илдизидан униб чиққан. Дарада сой бўйлаб қачонлардир серхослик мева-ли боғлар, узумзор бўлгани сезилади. Сувбошидан бошлаб қоя ёнбағридан очилган, ўз оқими билан келадиган тошариқнинг излари қолган. Қирғоқ бўйлаб юқорига қўтарила борувчи поғона-поғона экин майдонлари яйловга айланган. Қоялар бағри-

ЙЎҚОЛГАН ЖОНИВОРЛАР

— Тоғ эчкиси. Ёнида буқа тасвири. Илмий тадқиқотларда жониворнинг бу зоти уч минг йил аввал иқлим ўзгариши оқибатида қирилиб кетгани тасдиқланган, — дейди Рамазон ака, — Қаранг, бугуннинг юқори қисмида одамлар тасвири. Таҳминан етти минг йил аввал чизилган тасвирнинг изоҳини тўлдирish учун "Ирқ битиги"дан сатрлар келтирдим:

Икки ҳўқизни
Бир омонча қўшишди.
Уларнинг юришга мажолли йўқ,
дейишди.

Билиб қўйинг: бу — ёмон.
Ундан сал наридаги тасвирларга яқинлашамиз.

— От минган одамнинг бошида тож, қўлида қилич. Бу ҳукмдор тимсоли, — тушунтира бошлади Рамазон ака. — У жангдан қайтиб келадиган ёки ёрдамчилари билан ўз ҳудудини айланиб юрибди. Маълумки, 3-4 минг йил аввалги ҳукмдорни ўзида акс эттирган бу лавҳа тарихчилар учун бебаҳо ҳужжатдир.

— Бу сурат аждодлар томонидан қайта кўчирилган нусха, — дейди Рамазон ака юқоридаги қояни кўрса-

тиб. — Асл тасвир эса тепада, етти минг йил олдин чизилган. Ҳукмдорнинг қўлидаги қурол ҳам, бошидаги тож ҳам, от ҳам кейинчалик янада бойитилиб ва каттароқ қилиб чизилган. Отлар алоҳида меҳр билан баланд ва чиройли тасвирланган, ҳозирги қорабайирларга ўхшайди. Чорбоғдаги қоятош суратлари ўз номига мос келади. Тарих ҳамма нарсани ўз жойига қўяр экан-да.

ОЛОВ, НУР ТИМСОЛЛАРИ

Бир лавҳада ибтидоий одам таёкни тошга ишқаб олов чиқараётгир. Шамол эсиб тургани ҳам моҳирона ифодаланган. Воқеани ўз кўзи билан кўрган, илк бор олов кашф этилганини ҳис эта олган одамгина шундай чиза олади. Ундан сал нарида эса, қўлида (оловдан туташтирилган) машъала қўтариб кетаётган одам юзини ниқоб билан нурдан тўсиб олган. Ёнидаги бошқа бир одам эса олов қаршида тиз чўкиб, унга сиғинапти.

Бу тасвирдан юқоридаги лавҳада Инсон тимсолидаги Қуёш маъбудчи чамбаридан нур таратмоқда, — бизга тушунтиради Рамазон ака. — Маъбудчи икки одам қўли билан бош узра қўтариб, бу одамлар эса битта катта жонзот устида турибди. Қуёш маъбудчининг икки ёнида иккита фаришта тасвири ҳам бор. Одам зулматдан ёруғликка чиққан замонларда оловнинг кашф этилиши, одамнинг нурга муносабатининг ифодаси бу:

"Мен — омон ўғли,

кундуз ва кечкурун

Олтин тахтада ўлтириб
Шодлангман".

Билиб қўйинг, бу — яхши.

Менимча, қадимги дунё ҳақидаги ҳақиқий китоб мана шу қояларга битилган.

ЛАЙЛАҚТУМШУҚДАГИ КИЙИКЛАР

— Кийикнинг улоқчаси. Тоғ эчкиси. Ёнида така. Овчи содиқ итлари билан жониворларни қуршаб олган, — кейинги суратга изоҳ бера бошлайди йўлбошловчимиз. — Кийиклар Лайлақтумшўққа сув игани тушганда овчилар атрофдаги йўллари тўсиб, уларни аввалдан қазиб қўйил-

мумкин. Матода яшил, қизил, сарик, кўк тусларга бой ёрқин колорит кўзга ташланади. Бу асарни яратишда Саидбек қорақалпоқ ёзувчиси Тўлпбергген Қайпбергеновнинг "Қорақалпоқ достони", "Маманбий афсонаси" сингари асарларидан илҳомланган.

Рассомнинг "Ошиқ Омирбек Лаққи" асари ҳазилкаш халқ қаҳрамони ҳақида. Томошабинга табассум билан қараб турган Лаққининг орти-

дан елпигич ушлаган, қизил либосли аёл мўралаб турибди. Ранглар жилосига ниҳоятда бой бу картина одамга хуш кайфият бағишлайди.

Саидбек ўз устида тинимсиз ишлайди, беҳисоб тажрибалар орқали картиналарини мукамаллаштиришга ҳаракат қилади. "Ҳаёт — мураккаб жумбоқ, — дейди рассом. — Мен тасвирий санъатнинг сирли оламига ошиқман. Келажакни ўтмиш белгилайди".

Хулоса қилиб айтганда, Саидбек Собирбоев рангтасвирда ўзига хос услубини, "мен"ини яратишга ҳаракат қилаётган рассом. Албатта, асарлари савияси янада юқори босқичга кўтарилиши учун ҳали кўп изланиши, ўз устида ишлаши керак. Бу йўлда ёш ижодкорга омад тилаймиз.

Умида АҲМАДЖОНОВА,
санъатшунос

Китобингизни ўқидим

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миллий рақс ва хореография санъати, театрларимизда саҳналаштирилган опера ва балет спектакллари, шу соҳа ижодкорларининг изланишлари ҳақидаги маълумотлар, уларнинг ижод жараёни таҳлил этилган мақолаларга санъат ўқув даргоҳлари ўқитувчи ва талабаларида эҳтиёж бор эди. А.Раҳимовнинг мазкур китоби айнан шу бўшлиқни тўлдиршда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Сир эмас, бугунги кунда миллий хореография ва балет санъатида баъзи муаммолар кўзга ташланиб қоляпти. Булар, аввало, балет мусиқаси ва либреттоси (сценарий) билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан муаллиф китобига ўзи ёзган ва саҳналаштирган "Муножот" ва "Қуёшга таъзим" саҳна асарлари либреттосини киритгани эътиборга молик. Айни вақтда А.Раҳимов қатор мақолаларида либретто ёзиш ва уни саҳнага қўйиш қонун-қоидалари ҳақида фикр юритганки, бу ёш хореограф ва балетмейстерларга жуда ҳам асқотлади.

Мазкур тўплам Москва театр санъати академиясида таълим олиб, юртимизнинг етакчи театрларида ижод қилган, мустақам амалий ма-лакага эга тажрибали мутахассис қаламига мансуб бўлгани учун ҳам санъат олий ўқув юртилари, коллеж ва лицей талабалари ҳамда санъат мухлислари томонидан қизиқиб ўқилишга ишонаман.

Қурбонийез ПАНЖИЕВ,
санъатшунослик фавлари номзоди

ган ҳандақ томонга ҳайдашмоқда. Тирриқлай, жароҳат етказмай тутиб олишмоқчи. Кийиклар бўлса, чуқурлик ёнига келгач, овчини ерга тираб туриб олишган. Демак, бу хайвонлар китобни хонакалаштириш ҳаракати бошланган замонларда чизилган лавҳадир. Ўн минг йил аввал ит қўлга ўргатилган ва инсонга хизмат қилган. Тарихга бой асарлар.

Бу лавҳага ёнма-ён, алоҳида чизилган яна бир ов тасвири бор. Думи ғажақ йўлбарс, бўри, қоплон каби йиртқич хайвонлар ҳар томондан келиб, битта эчкини қуршаб олиб, ташланишяпти. Яъни йиртқич хайвонларнинг ов жараёни ифодаланган. Яна изоҳ учун "Ирқ битиги"ни варақлаймиз:

Йўлбарс кийик овлашга чикди,
Овини қўлга туширди.
Қўлга туширгач эса уяси томон
Хурсанд ва шодон
қайтмоқда, дейишади.
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Эссе

ТАСВИРДАГИ ТАСАВВУРЛАР

Сувбошидан қўнғир-қора қоялар оралаб келётган сой ўткинчи вақт каби илонизи ўзанидан оқаркан, икки ёндаги мозий лавҳаларини — ибтидоий жамият, одамлар, жониворлар ўтган лаҳзаларни ортида қолдиради. Не-не замонлардан бўён шу.

Асрлар давомида неча бир авлод мусаввирлари — овчилар, қабила сардорлари, йўловчилар, яна бизга номаълум рассомлар ўз қалбида кечган туйғуларини тошга битанган. Мутахассислар битикларни 14 гуруҳга бўлиб ўрганишар экан. Тарихни чинакам англашни истовчи барча соҳа вакилларининг саволларига қоятошларда жавоблар бисёр.

Биз йўл бўйлаб уч-тўрт жойдаги суратларга тўхталдик, холос.

Бу манзилларда шоирлар, бастакорлар, ҳайкалтарошлар бўлмаган қадим замонларда уларнинг барчасини ўзида мужассам этган лавҳаларни яратган мусаввирлар маҳоратидан хайратда қилиб, қоятош расмларидан тарихни ҳам, сўзни ҳам, мусиқ

МУСАВВИР ЁШЛАР ҲУЗУРИДА

Гўзал рангтасвир асарларини томоша қилиш санъат ихлосмандига завқ бағишлагани сингари, уларни яратган мусаввир билан учрашиш, мулоқот уюштиришнинг ҳам ўзгача гаши бор. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида таниқли мусаввир, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур билан ўтказилган ижодий учрашув ҳам таассуротларга бой бўлди.

Ёшлар, ўқувчи ва талабалар иштирок этган тадбир аввалида рангтасвир асарлари асосида тузилган слайд-шоу тақдим этилди. Мусиқа оҳанглари билан уйғуниқда намоиш этилган картиналар мисолида ёшлар истеъдодли мўйқалам соҳибининг ижоди, асосий мавзулари билан яқиндан танишишди. Рассом изланишлари борасида тадбир иштирокчиларига янада кенг маълум

мот бериш учун санъатшунос К.Оқилова унинг ижодий йўли, миллий рангтасвиримиздаги ўрни, асарларига хос бўлган бадиий-ғоявий ёндашувлар ҳақида фикр билдирди. Шунингдек, рассомнинг изланишлари лирик-романтик руҳиятга йўғрилгани, деярли барча асарлари учун Шарқ санъати анъаналари пойдевор сифатида хизмат қилишини алоҳида таъкидлади. Тадбир давомида ёшлар рассом билан ҳам юзма-юз суҳбат қуриб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Умида ТЕШАБОВА, Миллий кутубхона директори ўринбосари:

— Кутубхонамизда ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиш

анъанага айланган. Таниқли рассом Акмал Нур билан мулоқот ёшларнинг тасвирий санъат борасидаги билимларини бойитишга хизмат қилиши аниқ. Чунки учрашув давомида ўқувчи ва талабалар рангтасвир асарлари билан танишиб, соҳа мутахассисларининг фикрларини тинглаш имконига эга бўлишди. Буларнинг бари ёшларнинг диди, эстетик қарашларини янада чархлаб, уларни санъат оламига яқинлаштиради.

Гавҳар ЗАЙНИДДИНОВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси:

— Акмал Нурнинг ижодий изланишларини ифодаловчи ўзига хос асарларини томоша қилиш ҳамиша мароқли. Рассом ўзи хис этган туйғуларни гўзал шакл ва ранглар, чуқур мазмунга эга тимсоллару бетақдор композициялар уйғунлигида ифодалади. Шу сабабли ҳам бу асарларни кузатганда гўё ўзи билан мулоқот қилгандек таассурот оласиз. Айниқса, мўйқалам соҳибига хос ҳаётсеварлик, гўзаллик ва муҳаббатга интилиш томошабинни руҳлантиради. Рассом яратган ҳар бир асардан маънавий озик оласиз. Ранглар, шаклларнинг жозиб ифодаси хотирангизда муҳрланиб қолади.

Ўз муҳбиримиз.

Гул кўп, чаман кўп

МАШҲУР КОМПОЗИТОРЛАР ҲАЁТИДАН

Кунларнинг бирида Барт исмли ёш хонанда Людвиг ван Бетховен (1770-1827) ҳузурига келади ва машҳур композитор тушкун кайфиятда қандайдир нота ёзувларини ёниб турган шамга тутмоқчи бўлаётганини кўради. У қизиқиш билан "Бу нима?" деб сўраганида, Бетховен "Бир кўшиқ ёзгандим, лекин ҳозир менга ёқмай қолди, шунинг учун ёқиб юбормоқчиман", дея жавоб қайтарган. Бу гапдан ҳаяжонга тушган хонанда кўшиқни бир кўрмоқчи эканини айтади. Сўнг фортепианога ўтириб, уни ижро эта бошлади. Кутилмаганда шундай гўзал оҳанглари янградики, композитор уларни тинглаб завқланади ва "Биласизми, чиндан ҳам яхши кўшиқ чиққанга ўхшайди!", дея хайратини изҳор қилади. Бетховеннинг машҳур "Аделаида" романи шу тариха кутқариб қолingan экан.



Рус композитори Пётр Чайковскийнинг (1840-1893) мусиқа оламига кириб келиши осон бўлмади. Бўлажак композиторнинг оила аъзолари унинг ҳарбий офицер бўлишини истаганлари учун ҳам бунга қаттиқ қаршилиқ қилишган. Ҳатто Чайковскийнинг амакиси "Қандай шармандалик, Петя! Ҳуқуқшуносликни қамишсўнайга алмаштириб юбординг", дея афсусланган. Бироқ вақт ўтиб уларнинг адашгани маълум бўлди. Чайковский ўз даврининг энг етук композиторига айланиб, Моцарт, Бетховен, Шуман сингари жаҳон мусиқаси даҳолари қаторидан жой олди. Чайковский илм-фан соҳасида шундай катта обрўга эришгани, Кембриж университети диссертация ҳимоя қилдирмай, унга докторлик унвонини берган.



1833 йили ўн саккиз ёшли Жузеппе Верди (1813-1901) Милан консерваториясига ўқишга кириш учун йўл олади. Навқирон йигит ҳаётини мусиқа санъатига бағишлаган қарор қилганига қарамай, консерватория педагоглари унда мусиқа билан шуғулланиш учун етарли қобилият йўқ, деган хулосага келишади. Бунга Вердининг фортепианодаги ижро амалиёти талаб даражасида эмаслиги асосий сабаб сифатида кўрсатилади. Дирижёрлардан бири бўлажак композиторга "Консерватория ҳақидаги ҳаёлларни қўйинг", деб очик айтади. Шундай бўлса-да, Ж.Верди қалбида уйғонган орзудан воз кечмади, жаҳон опера санъатида ўчмас из қолдирди. Қизғин шундаки, орадан йиллар ўтиб Вердини ўқишга қабул қилмаган Милан консерваториясига машҳур композиторнинг номи берилди.



Италиялик машҳур композитор Жоакинно Россинидан (1792-1868) "Ҳақиқий дўстларингиз борми?" деб сўрашди.

— Албатта, бор, — қувноқлик билан жавоб қайтарди Россини. — Улар Ротшильд ва Морган.

— Бу ўша машҳур миллионерларми?

— Ҳа, худди ўзлари.

— Демак, сиз исталган пайтда қарз олиш имкониятига эга бўлиш учун ҳам ўзингизга шундай дўстларни танлагансиз-а?

— Йўқ, аксинча, — дея жилмайди Россини. — Улар ҳеч қачон мендан қарз сўрамаганликлари учун ҳам уларни дўстларим деб атайман.



Россини ҳаётлиги чоғида шу қадар машҳур эдики, унга ҳайкал ўрнатишга қарор қилишади. Бу ҳақда хабар бериш учун Пизарро шаҳри магистрати композитор ҳузурига махсус делегация жўнатади.

— Бу ҳайкал қанча пулга тушади? — сўрайди Россини.

— Йигирма минг лир, — деб жавоб беришади делегация аъзолари.

— Жаноблар, яхшиси, бу пулни менга беринг! Сизни ишонтириб айтаманки, бу маблағ эвазига мен ўзим минбарда ҳайкал бўлиб туришга розиман, — дея таъкидлайди ҳозиржавоб композитор.



ВАҚТ ВА КОПТОК

АСКАР АКАМГА МАКТУБ

Ака, сизга ёздим хат, Ватан шайини сақлаш — бахт. Ҳарбий хизматда доим бўлинг дейман саломат.

Ватан — муқаддас қўрғон, Ҳар қаричин авайланг, Сиз ахир юртга посбон — Бурчингизни шарафланг.

Чегарада турибсиз, Бир кун уйга қайтасиз. Кўрсатган мардликнингиз, Шунда менга айтасиз.

ҚУМСОАТ

Бобомдан бўлиб ёдгор, Бизга қолган қумсоат. Ва эслатиб туралди, Бобожонимни ҳар вақт.

Қумсоатта термулиб, Билдим ўткинчи вақтим. Шижоат, гайрат билан Яшмоқ бўлди аҳдим.



Жавонимдан жой олган, Менга азиз қумсоат. Унга боқсам секинлар Мени қувалаган вақт.

КОПТОК

Копток деган ўйинчоқ, Менга доим овулчоқ. Ерга урсам сагчийди, Осмонга учиб ҳар чоқ.

Баъзан "икки" баҳога, Сабаб бўлиб қолади.

Болалар бекати

Учиб кетиб ҳавога, Кўкдан разм солади.

Копток билан ҳар доим, Мазмунли ўтар вақтим. Дарвозага гол уриш — Бу менинг шахсий бахтим.

РИНГ

Мен бокс тўғаракка Ҳар кун югураман. Кучим етган болани Сал дўпсолоб тураман.

Ўзимни бир синай деб, Беллашувга йўл олдим. Мусобақа бошлангунча, Орага кириб олдим.

Мусобақа бошланди, Рақибга солдим човут. Гирромлигим кетмади — Дарров бўлдим "покаут".

Фахриёр БАХТИЁРОВ, Навоий шаҳридаги 7-мактабнинг 8-синф ўқувчиси

"КЎНГЛИМ ҚУШИ"

Туйғуларнинг тасвири чизилган, бир ўқишдаёқ қалбга сингиб кетадиган шеър мисралар лаҳзада китобхонни ўзига мафтун этади, яқин сирдошининг дил изҳоридек қалбга сурур бағишлайди. Ўзи ҳали исмини билмайдиган, мазмун-моҳиятини англай олмайдиган гўзал хисларнинг шеърдаги шаклу шайишли, жилваси, эҳтимол, шеърят муҳлисига шундай фараҳбахш ҳолатни туҳфа этар.

Шоира Мунаввара Қурбонбоевнинг



Янги нашр

"Кўнглим қуши" ("Akademnashr", 2016) тўпламидан ўрин олган шеърлар ана шундай дилтортар чизгиларни ўзида акс эттирган. Самимий сатрлардаги лирик қаҳрамоннинг ўй-хаёллари, ички кечинмалари китобхон кўнглига тез кўчади. "Кузги богда", "Сен томон", "Кунларни ўтказдим юракдан..." сингари шеърларда ўқувчи соғинч, меҳр ва мушторқилиқнинг тафтини хис этади.

"ЎЗБЕККИНО" МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ

2017 йилнинг тематик иш режасини шакллантириш мақсадида турли жанрлар бўйича бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмларга мўлжалланган адабий сценарийлар лойиҳалари учун танлов эълон қилади.

Танловга юбориладиган лойиҳаларда қуйидаги гоялар ишонарли ва юқори бадиий савияда акс эттирилиши лозим:

— юртимизда мустақиллик йилларида қўлга киририлган ютуқлар, ижтимоий-маърифий жабҳаларда рўй бераётган улғувор ўзгаришлар;

— миллимизга хос эзгу фазилатлар, шунингдек, чуқур тарихий илдизларга эга бўлган қадриятларимиз улғуворлиги;

— ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари, маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондиришлари, ватанпарварлик ва халқпарварлик тушунчаларини, умумбашарий ва миллий қадриятлар мазмун-моҳиятини теран англаб етиши учун хизмат қиладиган ибратли ҳаётий сабоқлар;

— азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оиланинг ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини эканлиги;

— ўзбек халқига хос бўлган кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳурмати жойига қўйиш сингари эзгу қадриятлар, шунингдек, нуруний отахон ва онахонларнинг ибратли ҳаёти;

— она Ватан ва халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйган, адолат ва эзгуликни мардона ҳимоя қиладиган, ёвузлик ва хиёнатга мурасасиз, этикоди мустаҳкам, қатъиятли ва гурури баяндошлар образи ўз ифодасини топиши лозим.

Шунингдек, ўзининг эзгу фазилатлари билан кўпчиликка ибрат бўлаётган замондошларимиз сиймоси акс эттирилган ҳамда бой маданий-тарихий меросимиз, халқ оғзаки ижоди (эртақлар, масаллар, достонлар, маталлар) намуналари асосида ёзилган, шунингдек, болалар аудиторияси учун мўлжалланган сценарий лойиҳалари ҳам танловга қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган сценарий лойиҳаларига илова тарзида қуйидагилар топширилиши лозим:

- а) муаллифнинг исм-шарифи ва ўзи ҳақида қисқача маълумот;
- б) фильмининг ишчи номи;
- в) формати ва умумий ҳажми;
- г) жанри;
- д) аудиторияси;

е) асосий ғояси;

ё) қисқача мазмун (қисқача сюжетда образлар, тимсоллар ҳам акс этган бўлиши мумкин. Унда асосий сюжет линияси, асосий персонажлар ва асосий воқеалар, кульминацияси ҳамда ечими аниқ кўрсатилиши лозим);

ж) лойиҳалар ўзбек тилида (истисно тарикасида рус тилида), адабий тил ва имло қоидаларига риоя қилинган ҳолда ёзилган, компьютерда А-4 форматда, 1,5 интервалда кўчирилган бўлиб, ҳажми 4 саҳифадан ошмаслиги керак.

Танловда кинодраматурглар, ёзувчи-шоирлар билан биргаликда сценарий ёзиш борасида етарли тажрибага эга бўлган барча хоҳловчи ижодкорлар иштирок этиши мумкин.

Танлов 2016 йил 30 октябрга қадар давом этади. Ҳалиб деб топилган сценарий лойиҳалари Агентлининг келгуси йил тематик режасига киритилади ва улар асосида бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмларга адабий сценарийлар ёзиш учун муаллифларга буюртмалар бериллади.

Лойиҳалар Агентлининг info@uzdekkino.uz электрон манзили орқали электрон шаклда ҳам юборилиши ва Танлов комиссиясига юборилаётгани қайд этилиши лозим.

Танловга тақдим этилган сценарий лойиҳалари тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 227-48-10, 245-79-45.

Манзилнинг: Тошкент шаҳри, "Ўзбекистон" шох кўчаси-98. Инд.: 100027. www.uzdekkino.uz

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙИД

Тахриратга келган қўймалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕККИНО» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.

Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.06

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адаби — 3685. Буюртма S — 7061. Ҳажми — 3 босма табақ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташиқлотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

МУАССИС:
ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилнинг: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Тақдид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

